



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ЎУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.1
МОДУЛ

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**“ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Малака йўналиши:

умумтаълим мактаблари ўқув-тарбия
ишлари бўйича директор ўринбосарлари

Тингловчилар контингенти:

Умумий ўрта таълим, ихтисослаштирилган
мактаб-интернати, ихтисослаштирилган
давлат умумтаълим мактаблари ўқув-
тарбия ишлари бўйича директор
ўринбосарлари

Тошкент-2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган умумтаълим мактаблари ўқув- тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчи: Ш.Пўлатов - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси доценти

Такризчилар Г.Елдашова - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси мудири в.б. п.ф.н.
Н.Аҳмедова – п.ф.д., А.Авлоний номидаги РХҚТМОИ,
Л.Р.Гайнутдинова - А.Авлоний номидаги РХҚТМОИ, катта ўқитувчиси

Ўқув-услугий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____даги _____- сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	13
III. Назарий машғулот материаллари	20
IV. Амалий машғулот материаллари	57
V. Кўчма машғулотлар	88
VI. Кейслар банки	93
VII. Глоссарий	96
VIII. Адабиётлар рўйхати	102



ИШЧИ ДАСТУР



Кириш

Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, билимли, юксак маънавиятли, баркамол, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг энг асосий бўғини сифатида педагог ходимларнинг юқори илмий методик билимларга, юксак маҳоратга эга бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда 2017-2018 йилда қабул қилган бошқа фармон ва қарорларида, жумладан 2018 йил 5 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони ва ПҚ-3931-сонли қарорларидумумий ўрта таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим муассасини илмий-методик жиҳатдан самарали бошқариш ва таълим-тарбия сифатини кўтаришда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларга пелагогик шарт-шароитлар яратишда раҳбарнинг касбий тайёргарлигидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича асосий устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу мақсаднинг ҳамда белгиланган вазифаларнинг ижобий йўналиш кашф этиши, мамлакатни маънавий ривожланишини таъминлаши учун энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларда маънавий тафаккурни ривожлантириш, ақлий салоҳият маънавий ахлоқий сифатларни ривожлантиришни йўлга қўйиш ва бунинг учун уларга таълим тарбия берувчиларни замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантиришга боғлиқ.

“Илғор тажрибалар ва инновациялар” модули умумтаълим мактаблари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у ушбу тоифа тингловчиларга таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: модули умумтаълим мактаблари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни амалга ошириш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда илғор тажрибалар ва инновацияларга оид назарий қарашлар, етакчи концепциялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- узлуксиз таълим тизимининг замонавий талаблар асосида ташкил этилиши бўйича хорижий тажрибани ўрганиш;
- замонавий талаблар асосида мактаб директори ўринбосарлари фаолиятини самарали ташкил қилишга йўналтириш

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда халқаро тажрибаларни;
- педагогик жараённинг тизимли таҳлил қилиш ва халқаро тажрибаларни;
- халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини ривожланиш истиқболларини таҳлил қилишни;
- таълим муассасаси педагоглари илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни;
- Таълим муассасасини илмий-методик бошқаришда инновацион таълимни жорий этишни;
- инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришишни;
- таълим технологияларини қўллашнинг асосий талабларни;
- инновацион жараённи бошқаришни амалиётда қўллай билишни;
- ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологиясини;
- интерфаол таълимдан фойдаланиш омилларини;
- педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга оширишни;
- аттестациянинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда халқаро тажрибаларни қўллай олиш;

- ахборот-таҳлилий хужжатларнинг асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини ривожланиш истиқболларини таҳлил қилишдан фойдаланиш;
- инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш;
- инновацион жараённи бошқаришни амалиётда қўллаш;
- ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологиясини ташкил этиш;
- ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уни бартараф этиш;
- таълим сифатини мониторинг қилишда ота-оналар қўмитаси, васийлик кенгаши ва маҳалла билан самарали ишлаш;
- педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш;
- мониторинг натижаларини умумлаштириш ва истиқболли бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмаларига;
- Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва узвийлигини таъминлашга доир меъёрий хужжатлар асосида таълим муассасаси фаолиятини илмий асосда режалаштиришни татбиқ қилиш;
- ахборот-таҳлилий иш мобайнида қўлланиладиган ёндашув ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланиш;
- таълим сифатини таъминлаш бўйича фаолият таҳлили, таълим сифати мониторинги ва таҳлили, таълим сифатини таъминлаш бўйича таклифлар таёрлаш;
- ўқув жараёнини бошқаришда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш
- муассаса имижига қўйиладиган талаблар асосида самарали бошқариш;
- замонавий таълим муассасаси раҳбари қиёфасига эга бўлиш;
- таълим сифатини мониторинги ва баҳолаш натижалари асосида истиқболли режалар ишлаб чиқиш;
- комплекс мониторинг ўтказиш амалиёти ва аниқланган камчиликлар бўйича манзилли бошқарув қарорларини қабул қилиш малакаларига;
- малака ошириш курсида ўзлаштирилган билим ва кўникмалардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- коммуникатив, ўз ўзини ривожлантириш, ўз устида ишлаш, масъулият ва мослашувчанлик, инклюзив таълимни олиб бориш, ўқув-тарбия жараёнини ҳолисона баҳолаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Илғор хорижий тажрибалар ва инновациялар модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш омиллари, педагогнинг касбий ривожланиш роғоналари. ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги, таълим муассасасини илмий-методик бошқаришда инновацион таълим, инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда илғор иш тажрибаларни оммалаштириш., педагогик технологияларини қўллашнинг асосий талаблар, инновацион жараёни бошқариш, ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологияси, интерфаол таълимдан фойдаланиш омиллари ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, амалий машғулотлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар ва модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим жараёнларида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” блоклари модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга илғор тажрибалар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

“Илғор тажрибалар ва инновациялар” модулибўйича соатлар тақсимооти

№	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим	Кўчма машғулот	Жами
1	Таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш омиллари. Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш.	2	2			4
2.	Педагогнинг касбий ривожланиш роҳналари. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги	2				2
3.	Таълим муассасасини илмий-методик бошқаришда инновацион таълим	2				2
4.	Инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш	2		2		4
5.	Педагогик технологияларини қўллашнинг асосий талаблар		2			2
6.	Инновацион жараёни бошқариш		2			2
7.	Ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологияси		2			2
8.	Интерфаол таълимдан фойдаланиш омиллари		2			2
9.	Педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш				4	4
	Жами	8	10	2	4	24

Назарий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш омиллари - 2 соат назарий машғулот

Мактаб таълимини инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш, педагогик жамоада таълим инновацияларини излаш, уларни қўллаш натижасида таълим самарадорлигини оширишга эришаётган мактабларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, илғор педагогик технологиялар ва улардан самарали фойдаланишнинг асосий омиллари.

2-мавзу: Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги - 2 соат назарий машғулот

Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари. Шахсий ижодий фаолиятнинг намоён бўлиши. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги

3-мавзу: Таълим муассасасини илмий-методик бошқаришда инновацион таълим - 2 соат назарий машғулот

Инновацион педагогик таълим йўналишлари. Инновацион технологиялар йўналишларини амалиётга татбиқ этиш усуллари. Инновацион жараёнларни самарали бошқаришни амалга ошириш талаблар.

4-мавзу: Инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш - 2 соат назарий машғулот

Инновацияни амалиётга татбиқ этишда педагогик таълимни такомиллаштириш, интенсив ва экстенсив усуллар. Умумий ўрта таълим мактабларининг ривожланиши учун вужудга келган тенденциялар: демократлаштириш, фундаментлаштириш, ўқувчилар ва ўқув меҳнатини индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш, компьютерлаштириш.

Амалий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш. Педагогик технологияларини қўллашнинг асосий талаблари – 2соат амалий машғулот

Педагогик технологиялари қўллашга қулайлик мезонлари асосий талаблари. Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар.

2-мавзу: Инновацион жараённи бошқариш - 2соат амалий машғулот

Инновацион жараённи бошқаришда раҳбарнинг бирламчи вазифалари. Инноватиканинг асосий тушунчалари ва юксалиш босқичлари.

3-мавзу: Ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологияси -2 соат амалий машғулот

Тадқиқотчилик таълимида ўқитишга ўзига хос ёндашув. Тадқиқотчиликни ривожлантириш технологияси.

4-мавзу: Таълим муассасаларига инновацияларни киритиш босқичлари- 2 соат амалий машғулот

Таълим муассасаларига инновацияларни киритиш босқичлари. Ахборотлар банкини яратиш, таҳлил ва лойиҳалаштириш. янгиликни амалиётга киритиш.

5-мавзу: Педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш -4 соат. кўчма машғулот.

Замонавий педагогик технология ўқув мақсадини аниқлаш ва таълим жараёнини лойиҳалаш. Замонавий дарсларда педагогик технологияларни қўллашда педагог кадрларни вазифалари. Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар

КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Кўчма машғулот. Педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш (4 соат)

Кўчма машғулот талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа муассасаларда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш” мавзусида мустақил иш бажарилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли далилларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT –ТАҲЛИЛ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт таффакурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength) -кучли томонлари

W – (weakness) -заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity) - имкониятлари

T - (threat) - тўсиқлар

Намуна: Ўқувчи шахси ривожланишида ва ўқитишида дифференциал ёндашувнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга тушириш.

S	Ўқувчи шахси ривожланишида ва ўқитишда дифференциал ёндашувнинг кучли томонлари	Ўқувчиларнинг ўзлаштиришнинг яхшилаш. Таълимга мослашишдаги қийинчиликларни аниқлаш
W	Ўқувчи шахси ривожланишида ва ўқитишда дифференциал ёндашувнинг кучсиз томонлари	Бирор топшириқни бажаришда муваффақиятсизлик рўй берганда унга қизиқишнинг кўпинча камайиши
O	Ўқувчи шахси ривожланишида ва ўқитишда дифференциал ёндашувнинг имкониятлари (ички)	Муваффақият ва муваффақиятсизлик кетма кет рўй берганда муваффақиятга муболағали баҳонинг берилиши
T	Тўсиқлар (ташқи)	Вақт танқислиги шароитида муаммоли мазмундаги топшириқни бажаришда иш самарадорлиги одатда пасайиши

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида жиҳатларда

муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этиш					
АҚШ		Шарқий Европа		Ўзбекистон	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглиз ча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисалардан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Методнинг мақсади: Мазкур методиштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида ўзлаштириш материални мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассессмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассессмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг

ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулоти қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлаштиради ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна:

Тушунчалар	Мазмуни
Дарс жараёнини ташкил этиш	
Педагог фаолиятини назорат этиш	

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки жиҳат орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига

хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу:Таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш омиллари (2 соат назарий машғулот)

Режа:

1. Мактаб таълими – жаҳон тажрибасига таяниб
2. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш

Таянч иборалар: Инновация, интеграция, интеллект, ахборот технологиялари, STEAM усули, PISA, TIMSS,PURLS, TALIS ёндашувлари.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги замонавий таълим тизими сўнгги йилларда шу соҳада олиб борилган улкан ўзгаришларнинг самарасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим олиш бугунги кундаги жамият ижтимоий ҳаётининг бир қисми бўлибгина қолмай, балки унинг ривожланишидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки келажак авлодни тарбиялашда таълимнинг ўрни ҳал қилувчи ўринлардан бири эканлиги барчага маълум.

Қайд этилган ислохотлар натижасида таълим тизимига кўплаб илғор инновацион технологиялар кириб келди.

Ҳозирги пайтда таълим шахсларда жамият ва шахсий манфаатлар орасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи таъсир механизмларини ишлаб чиқишга, шахсларнинг ўзларини такомиллаштириб бориши ва ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятда самарали меҳнат қилиш йўллариини ўргатишга йўналтирилмоқда. Кўпчилик таълим муассасалари ўз фаолиятига янги замонавий элементларни жорий қилишни бошлади, бироқ бундай ўзгаришлар тезда ривожланишга бўлган талаб ва педагогларнинг бу талабни қондира олмасликлари натижасида қийинчиликлар юзага келди. Таълим муассасаларини ривожлантириш учун “янги”, “янгилик”, “инновация”, “инновацион жараён” каби биринчи кўришда содда, лекин аслида мураккаб бўлган тушунчалар ўзлаштирилди.

Педагогик инновациялар маълум миқдордаги вазифаларни ҳал этиш учун хизмат қилишга йўналтирилган бўлади. Агар ўқувчида мустақкам билим билан бирга, уни амалий фаолитда қўллашнинг кўникма ва малакалари таркиб топса, тажрибада синаб кўрилганда самарадорликка эришса, мавжуд ҳолатлар ижобий томонга ўзгартирилса, янги ғоялар устида иш олиб борилса, ҳар қандай муаммонинг ечимини атрофлича тасаввур қилинса, глобал масштабда фикр юритилса инновация кафолатланган натижани берган бўлади.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик нуқтаи назардан инновацион жараён тузилмаси уч блокдан иборат деб ҳисоблайди.:

1. Соҳада намоён бўлаётган янгиликни ажратиб кўрсатувчи блок (унда педагогикадаги янги ғоялар, педагогик янгиликларнинг таснифи, уларни асослашга хизмат қиладиган шарт-шароитлар, янгилик даражасини белгиловчи меъёрлар, педагогларнинг янгиликларни ўзлаштириш ва унан

амалиётда самарали фойдаланишга тайёрликлари, анъаналар ва новаторлик ташаббуслари, соҳада янгиликларни яратиш босқичлари акс этади).

2. Педагоглар томонидан янгиликнинг идрок қилиниши, ўзлаштирилиши ва баҳоланиши ифодаловчи блок (унда педагогик жамоалар томонидан янгиликларнинг баҳоланиши ва ўзлаштирилиши – турли инновацион жараёнлар, консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамоаларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрликлари акс этади).

3. Янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки (унда янгиликни амалиётга тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳодисаси рўй беради).

Инновация жараёни таркибий тузилмалардан иборат бўлиш билан бирга муайян қонуниятларга ҳам бўйсунди. Мазкур жараён учун қуйидаги тўртта қонуният характерли саналади.



Кескин беқарорлик қонуниятига кўра педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар ўзгаради, шаклланган педагогик янгилик баҳоланади ва бу янгиликнинг аҳамияти, қиймати эътироф этилади.

Амалга ошиш қонунияти янгиликнинг ҳаётийлигини ифодалайди, унга кўра янги педагогик инновациялар стихияли ёки онгли равишда ўта тезкор ёки тезкор равиша амалиётга тадбиқ этилаи.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонунияти аксарият педагогларда янгича тафаккурнинг қарор топганлигини ва уларнинг инновацияларни амалиётга тадбиқ этиш йўлида фаоллик кўрсатишларини тавсифлайди. Бу жараёнда дастлаб инновацион характер касб этган ғоялар янада илғор янгиликларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўла бошлайди.

Педагогик инновацияларнинг даврий такрорланиши ва қайтарилиши қонунияти янгиликларнинг янги, янада қулай шароитларда қайта тикланишини ифодалайди.

Одатда педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши икки хил кечади:

1. Педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқи стихияли кечади, яъни, инновацион жараёнда педагогик янгиликларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уларни амалиётга тадбиқ этишда мавжуд шарт-шароитлар, усул ва йўлларига онгли муносабат билдирилмайди.

2. Педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқи стихияли кечади, яъни, педагогик янгиликлар инновацион жараёнда онгли, мақсадга мувофиқ,

илмий асосланган фаолият маҳсули сифатида амалиётга жорий этилади.

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади.

2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (5.09.2018 йилдаги ПҚ–3931-сон қарор) тасдиқланди. Хужжат бешта бўлимдан иборат.

I. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

«Ўқитувчининг мақоми тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш режалаштирилган, унда қуйидагилар назарда тутилади:

- ўқитувчининг мақоми, педагогик фаолият принципларини белгилаш;
- ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; ўқитувчининг нуфузи ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш кафолатлари, ш.ж. ўқитувчиларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилишини тақиқлаш, хусусан айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш;
- ижтимоий таъминот ва яқка тартибда педагогик фаолият юритиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш;
- ўқитувчиларнинг касбга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқини белгилаш.

Нодавлат умумтаълим муассасалари, ўқув ва ўқув-методик адабиётларни нашр этиш ҳамда бошқа халқ таълими соҳалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база ривожлантирилади. Болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш регламенти тасдиқланиши лозим.

II. Таълим сифатини яхшилаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

Янги давлат таълим стандартлари ва умумий ўрта таълим ўқув дастурларини, шу жумладан STEAM усулини босқичма-босқич жорий этиш ва такомиллаштириш кўзланган.

Халқ таълими муассасалари илғор жаҳон тажрибасига таяниб, таълим сифатини такомиллаштирадilar. Республиканинг қуйидагиларда иштирок этиши бунда ёрдам беради:

- PISA ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастурда (15–16 яшар ўқувчиларнинг математик саводхонлиги, ўқиш ва табиатшунослик соҳасидаги саводхонлигини баҳолаш);

- TIMSS мактабдаги математика ва табиий фанлар соҳасидаги таълим сифатининг халқаро тадқиқотида (4 ва 8-синфлар ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар соҳасидаги саводхонлигини баҳолаш);
- PIRLS матнни ўқиш ва тушуниш сифатининг халқаро тадқиқотида (бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ҳамда тушуниш даражаси ва сифатини баҳолаш).

Бундан ташқари, мамлакатимиз TALIS ўқитиш ва ўқиш тизимининг халқаро тадқиқотида (ўқитувчиларнинг меҳнат шароити ва мактаблардаги таълим муҳитини баҳолаш) қатнашади.

III. Ахборот-коммуникация технологияларини жориш этиш

Барча халқ таълими муассасалари 2021 йил охиригача кенг полосали Интернет (камида 10 Мб/с, томонларнинг келишувига кўра ҳар йили тезлик оширилишини ҳисобга олган ҳолда) билан таъминланади.

Интерактив таълим хизматларини кўрсатиш учун портал ишлаб чиқилади, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- умумтаълим муассасаларининг электрон маълумотлар базаси;
- ўқувчилар давомати ва ўзлаштиришининг ҳисобини юритувчи электрон тизим (электрон журнал, кундалик ва табель);
- бошқа электрон хизматлар кўрсатиш.

Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг идентификацион карталари (ID-карта, NFS белги ва бошқалар) жорий этилиб, уларни банк ва бошқа тизимларга интеграциялаш имкони яратилади.

Бундан ташқари, умумтаълим муассасалари ўқувчиларига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (ЖШШИР) бериш чора-тадбирлари кўрилади.

IV. Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

Ушбу масалаларни ҳал этишда умумтаълим муассасаларида шу жумладан қуйидаги усуллар орқали чет тилларни ўқитишни кенгайтириш лойиҳасига таянади:

- рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тилларга ўргатадиган мактаблар очиш;
- малакали мутахассисларни тайёрлаш ва хориждан жалб этиш;
- замонавий талабларга жавоб берувчи чет тиллардаги дарсликларни нашр этиш.

Рус тили ва адабиёти соҳасидаги педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун Ўзбекистонда Россия олий таълим муассасаларининг филиалларини очиш кўзланган.

Педагог кадрлар жуда тақчил бўлган олис ва тоғли туманлардаги мактабларнинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ечимини топади. Бунинг учун ушбу туманлардаги абитуриентларни педагогика олий таълим

муассасаларига имтиёзли қабул қилиш учун квоталар сонини ХТВнинг илтимосномасига кўра ошириш режалаштирилмоқда.

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий педагогика таълим муассасаларида «Халқ таълими соҳасида менежмент» таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлана бошлайди.

V. Моддий-техник таъминотни яхшилаш

Қуйидагиларни назарда тутувчи «Замонавий мактаб» Давлат дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда:

- экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш;
- мактабларни, шу жумладан, ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш.

Бундан ташқари, 2020–2022 йилларда умумтаълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш режалаштирилган. Ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилади

- халқ таълими тизими муассасаларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, йўлларни лозим даражада сақлаш;
- халқ таълими тизими муассасалари электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминланишини ташкил этиш;
- халқ таълими тизими муассасаларини ўқув йили ва кузги-қишки даврга тайёрлаш чораларини кўриш.

«Баркамол авлод» болалар марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан қуйидаги чоралар кўрилади:

- 2019–2025 йилларда мазкур марказларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ҳамда зарур ускуналар ва инвентарь билан жиҳозлаш манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;
- тизимли асосда ўқувчиларнинг турларини уюштириш учун ҳар бир минтақада 100–150 ўринли «Болалар туристик базалари»ни ташкил этиш;
- «Баркамол авлод» болалар марказларининг методистлари ва раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 5.09.2018 йилдан кучга кирди.

Таълим сифатини ошириш учун унинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини узлуксиз мониторингини олиб бориш ва ўқувчиларнинг ўқув ютуқларини объектив ва адекват баҳолашни амалга ошириш зарур. Бу, айниқса, ўқувчиларнинг кейинги шахсий ривожланиши ва фуқаролик ривожланиши учун замин яратадиган умумий ўрта таълим даражасида муҳим аҳамиятга эга.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш

Тараққиёт меваси бўлмиш замонавий технологиялар инсониятнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида яратилган. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ҳар соҳа тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Инкор этиб бўлмас бир ҳақиқат бор, бугунги давр вакилининг ўз замонаси технологияларидан фойдалана олмаслиги, уларни ўз ҳаёти, касби ва ҳунарига тадбиқ этмаслиги нуқсон саналади. Таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-педагогларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан турли ўринларда унумли фойдаланишлари уларнинг маҳоратли мутахассис эканлигидан далолат беради.

Замонавий шахс шу қадар кўп ахборотга эгаки, у ахборотларни янги ахборот-коммуникация технологияларисиз ишлов бериши ва ишлатиши мумкин эмас. Йилдан-йилга бизнинг ҳаётимизга компьютер ва у билан бирга ахборот-коммуникацион технологиялари жадал кириб келмоқда. Таълим сиёсатининг ҳозирги асосий мақсади таълим олувчи шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондирувчи муҳим ва келажақдаги ривож учун зарур юқори самарадорликка эга бўлган замонавий таълим беришга қаратилган. Мактаб таълими педагоглари ва раҳбарларининг касбий омилкорлигини ривожлантириш учун уларни фаолиятининг биринчи кунлариданоқ қўшимча педагогик таълимга жалб қилиш лозим. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир босқичда ўқитувчининг энг яқин кўмакчиси, малакали педагогнинг дарсга тайёргарлик кўришидан тортиб, уни сифатли, қизиқарли ва натижали ўтказишгача бўлган барча жараёнларда энг қулай воситадир. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда компьютер орқали дидактик, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, слайд ва дарс ишланмаларини тайёрлаши, интернет ёрдамида эса уларни турли қўшимча маълумотлар, қизиқарли сурат, аудио, видео лавҳалар билан бойитиши мумкин. Дарс жараёнида ахборот-

коммуникация технологиялари ўқувчилар дунёкараши, билим ва кўникмаларини кўриш, эшитиш ва мустақил бажариш орқали ривожлантиришга кўмаклашади.

Жаҳон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Европа Кенгашининг “Таълим ва кадрларни тайёрлаш” дастури, “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси”да педагог кадрлар малакасини узлуксиз оширишнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириб бориш кўзда тутилган. Шу билан бирга, ЮНЕСКОнинг “Ўқитувчиларнинг АКТ бўйича компетенцияларини ривожлантириш” дастури педагогларни виртуал таълим технологияларини самарали татбиқ этишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунёда педагогларнинг касбий компетентлиги, жумладан ахборот- коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш, интерактив таълим муҳитини ташкил этиш ва амалга оширишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида зарурат юзага келмоқда. Таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кутубхоналарининг Америка ассоциацияси (ACRL) томонидан информацион компетентликни педагогнинг ахборотларни излаш, баҳолаш ва самарали қўллашни талаб этадиган қобилиятлар мажмуи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш таклиф этилган. Мазкур жиҳат ахборот таълим муҳити шароитида интерфаол мулоқотни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бу эса педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” муҳим вазифа сифатида белгиланди. Мазкур вазифалар замонавий ёндашувлар асосида малака ошириш жараёнида педагогларнинг ахбороткоммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва амалийтехнологик тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

Дарснинг ҳар бир босқичида ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги билимлар баёни, амалий машғулотлар лаборатория

ишларини бевосита ахборот технологиялари ёрдамида қисман ёки бутунлай амалга ошириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун эса бир нечта компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси, озгина вақт ва қунт талаб этилади, холос. Шу йўл билан ўқитувчи энг катта мақсадига эришади, ўқувчиларга сифатли таълим беради, уларни катта ҳаётга тайёрлайди.

Сўнгги йилларда деярли барча умумтаълим мактаблари ўқув-лаборатория жиҳозлари ва замонавий компьютер техникаси билан таъминланди. Шу билан бир қаторда улардан маълум жараёнда унумли фойдаланиш юзасидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Реал вақтда мулоқот имконини туғдирувчи ҳамда алоқа ўрнатилгач, клавиатура орқали киритилувчи матнни, тасвир, овоз ёхуд ихтиёрий файлни узатиш имконини берувчи махсус дастурлар мавжуд бўлиб, бу дастурлар турли масофада жойлашган фойдаланувчиларга локал компьютер тармоғи орқали ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлаб беради. Маълумотларни узатиш сифати замонавий тизим асосида ривожланиши натижасида овозли мулоқот технологиялари янада такомиллашиб бормоқда. Натижада онлайн мулоқот тизими жадал суръатларда ривожлана бошлади. Дастурий таъминот ҳамда махсус ускуналар ёрдамида Интернет орқали аудио ва видео конференциялар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация тармоқларида автоматлаштирилган излаш воситалари кенг йўлга қўйилган бўлиб, шу тармоқлар воситасида глобал компьютер тармоғининг информацион ресурслари ҳақида маълумот йиғиш билан бирга, фойдаланувчиларга тезкор излаш хизматини тақдим қилиш мумкин.

АКТнинг тармоқ воситалари кўмагида ўқув-методик ва илмий ахборотларни олиш, оператив маслаҳат-ёрдамни ташкиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини лойиҳалаштириш, виртуал ўқув машғулоти (семинар, маъруза)ларини реал вақт режимида ўтказишнинг имкони туғилди.

Демак, келтирилган мулоҳазалардан шундай хулоса яшаш мумкин: мамлакатимизда билим олишга, мактабдан кейин олий ўқув юртиларига кириб ўқишга интилаётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса, мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш натижасида катта ютуқлар қўлга киритилаётгани, ёшларнинг ақл-заковати, билим олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганининг исботидир. Бунда эса АКТ ўзининг чексиз имкониятларни тақдим эта олиш қобилияти билан жозиба касб этади. Аммо,

ундан оқилонга фойдалана олишгина жамият аъзоларини чинакам тараққиётга етаклайди.

Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнида инновация деганда нимани тушинасиз?
2. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш таълим мазмуни нимадан иборат?
3. Ўқувчи ўқитилмайди, у мустақил ўқишга ўргатилади мазмуни нима?
4. Барча ўқувчиларнинг ўз қобилиятларига яраша билимлар олиши кафолатланиши нимани англатади?
5. Ўқитувчини ўқувчи фаолияти натижаларини тўғри баҳолашга ўргатишда нималарга аҳамият бериш керак?

2-мавзу: Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги (2 соат назарий машғулот)

РЕЖА:

1. Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари
2. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги

Таянч иборалар: педагогик маҳорат, педагогик техника, мимика, панто-мима, ҳис-туйғулар, ижтимоий-перцептив қобилият, дикция, нутқ тезлиги, конструктив, коммуникатив, концепция, технология, руҳий-импровизация, рационализаторлик, комбинаторли

Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалар таълим мазмунини тубдан ўзгартиш заруратини келтириб чиқарадики, бу педагоглардан тинимсиз ижодий изланиш, ҳар томонлама чуқур билим ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этишдан ташқари кучли маҳорат соҳиби бўлишликни ҳам тақозо этади.

Ҳар қандай бошқариш жараёни, аввало, мақсадни белгилаш, яъни мақсадни тўғри қўя билишдан бошланади. Бу эса бошқариш объектининг айни пайтдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ривожланиши мумкин бўлган имкониятларини ўрганишдан бошланади.

Бундан ташқари мақсадли бошқариш тафаккур маҳсули ва улар шахсларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида шаклланади. Мақсад, ўз

навбатида, педагогик объектдаги ўзгаришларнинг йўналишлари, бошқариш фаолиятини унинг асосий турлари ва уларнинг мазмунини белгилаб беради.

Мақсадли педагогик бошқариш ўз мазмунига кўра вақт омили ва шароитига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади. Йўналиш мазмуни эса, шартли равишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий ва илмий-техникавий мақсадлар сифатида гуруҳланади.

Педагогик фаолияти жамиятдаги функциялари бўйича ва касбий сифат хусусиятларига қараб ҳамда психологик томонлари, хусусиятлари табиатнинг энг буюк инъоми бўлган инсонни ўқитиш ва тарбиялаш учун мўлжалланган:

1. Педагогнинг меҳнат фаолияти ўсиб келаётган ёшларнинг инсоний хусусиятларини шакллантиришдан иборат.
2. Педагог фаолиятидаги меҳнатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат предмети бўлиб ҳазрати инсон ҳисобланади.
3. Педагогик меҳнат унга ҳар томонлама таъсир этувчи омилларни бошқарувчи шахсга бўлган таъсиридан иборат.

Бу меҳнатда ўқувчига таъсир этувчи қурол бўлиб ўқитувчининг шахсининг билимлари, маҳорати, сезгирлиги ва эркинлиги ҳисобланади. Педагогик жараённинг мақсади, нафақат талабани тарбиялаш, ўқитишни ташкил қилишдан иборат бўлмай, унинг ўқитиш услубларини ва улардаги барча муносабатлар тизимини аниқлашдан иборат.

Педагогик меҳнатнинг буюк хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат бошдан-оёқ инсонлар орасидаги ўзаро таъсир жараёнидан иборат. Унда предмет инсон, меҳнат қуроли инсон, меҳнат маҳсули ҳам инсон яъни педагогик меҳнатнинг мақсади, масаласи, ўқитиш ва тарбия услублари шахсий муносабатлар шаклида амалга оширилади. Педагогик меҳнатнинг бу хусусияти одоб, ахлоқ, ҳулқ каби томонларнинг юқорилигини таъминлайди.

Педагогнинг фаолияти ҳар доим юқори баҳоланган. Қадимги юнон файласуфи Афлотун агар қосиб ёмон уста бўлса, бундан давлат жуда катта нарса йўқотмайди — фақат халқ ёмонроқ қийинади, холос, аммо агар ёшлар тарбиячиси ўз вазифаларини ёмон бажарса, у ҳолда мамлакатда нодон, жоҳил, билимсиз ва аҳмоқлар тоифаси вужудга келади, деган.

XVII асрда яшаган илмий педагогиканинг асосчиларидан бири — Ян Амос Коменский «ўқитувчиларга қуёш остидаги энг юқори вазифа юклатилган», деган эди.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардир:

- ўқув ва таълимнинг инсонпарварлик характер касб этганлиги, таълим олувчининг ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий маданий анъаналарга ҳурмат билан қараш;
- қонун талабларининг устуворлиги;
- ўқувчиларни тайёрлаш, ўқитиш, тарбиялашга шахсан йўналтирилган ёндашув;
- умуминсоний ва ахлоқий қадриятларга риоя қилиш;
- Ватанга муҳаббат, юқори фуқаролик позицияси, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар руҳида ўқувчиларни тарбиялаш;
- таълимнинг узлуксизлиги;
- педагогик фаолият усуллари ва шакллари танлаш эркинлиги;
- таълим принципларининг ягоналиги;
- илм-фан, техника ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ўз билимларини такомиллаштириб бориш;
- болалар ва ёшлар бирлашмалари, меҳнат жамоалари, шунингдек фаолиятлари амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик.

Педагог фаолиятининг асосий базаси деганда педагог томонидан таълим ва тарбия, малака ва кўникмалар тизимининг яхши эгалланганлиги, уларнинг йиғиндиси ўқитувчига таълим-тарбия жараёнини малакали бажаришга ва ўқувчи (тарбиячи)ларга унумли таълим-тарбия беришни амалга оширишга имкон берадиган *педагогик маҳорат* тушуниланади. Ўқитувчи (тарбиячи)нинг турли касбий малакалари йиғиндиси *педагогик техника* деб аталади.

Ўқитувчининг хулқ-атворини ташкил этиш шакли сифатида чиқадиган педагогик техника касбий малакалар мажмуасини, шу жумладан, ўзини бошқара оладиган ҳамда педагогик вазифаларни ечиш жараёнида таъсир кўрсата олиш малакаси билан боғлиқ бўлган актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ифодалайди.

Ўқитувчининг касбий маҳорати педагогик техника сифатида асосан амалий фаолиятда сайқалланади. Бироқ, янги педагогик тамойиллар ва технологияларни ўзлаштиришда нафақат техник педагогик усулларни такомиллаштириш, балки педагогнинг шахсий ривожланиши, унинг шахсининг фаоллаштирилиши ҳам зарур шарт бўлиб хизмат қилади. Шахсни фаоллаштириш жараёнига инсон салоҳиятли қобилиятлари-нинг долзарб фаолиятга ўтиши киради. Салоҳиятли қобилиятларнинг долзарб қобилиятларга айланиш динамикаси ўз-ўзини ривожлантиришнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан фикрлашнинг вариативлигини (рахм-шавқат ҳисси), синтонлик (бошқа инсоннинг “тўлкинига” мослашиш қобилияти), толерантлик (ғалати фикрларга чидамлик), коммуникативлик (мулоқот маданияти)дан иборат бўладиган янги педагогик технологияларни ўзлаштираётган педагог шахсининг психологик талабларида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогда ушбу сифатларни ривожлантириш, умумий маданиятининг юқори савияси, психологик-педагогик ва технологик компетентлик, креатив (ижодий) қобилиятлар. Буларнинг ҳаммаси унинг умуман инновацияларга ҳамда янги педагогик технологияларни эгаллашга, хусусан, тайёрлик даражасининг ошишига олиб келади. Тайёрлик даражасига фаолиятни муваффақиятли бажариш, шахсни бўлажак фаолиятга йўналтирадиган танланма фаоллик, педагогнинг ўзини-ўзи бошқариш даражасининг сифатли кўрсаткичи, шахснинг амалий фаолиятининг аниқ шартлари ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда педагогик масалаларни ечиш қобилиятида ифодаланган фаол ҳаракатдаги ҳолати сингари омиллар ўқитувчининг тайёрлигини белгилайди. Инновацион фаолиятга тайёрлик даражаси тажриба ва маҳорат тавсифлари билан чегараланмайди.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва компетентлиги

Педагогик маҳорат – бу ўқитувчи –тарбиячининг шундай шахсий (болажонлиги, хайрихоҳдиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги, самийлиги, назокати ва ҳ.к.) ва **касбий** (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятики, у ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологик ва методик тайёргарлигида, талаба-ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллариини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

Педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукаммал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий-ахлоқий фазиларни ўзида таркиб топтириши лозим. Педагогик маҳорат - педагогик жараёнда таркиб топади. Педагогик жараён эса касбий ва шахсий тайёргарликни йўлга қўйиб, ва келажак авлод олдида жавоб берадиган мутахассисларни тайрлашга хизмат қилади.

Педагогик маҳоратнинг қуйидаги асосий компонент(таркибий қисм)лардан иборат:

педагогик техника – ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим-тарбия олувчиларга ўз хис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодалайди;

педагогик муомала - ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим-тарбия жараёнида иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради;

педагогик ижод – ўқитувчининг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан кўрқмасликни англатади;

педагогик қобилият – педагогик жараёнида ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

Педагогик маданият - ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, кадр-киммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади.

Педагогик маданиятнинг таркибий қисмларидан бири **педагогик назокат (такт)** – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизимининг энг асосий босқичларидан бири сифатида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш босқичи келтирилган. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнлари иштирокчиларига зарурий ва етарли даражада шарт-шароитларни яратиб берилишидан асосий мақсад ҳар томонлама ривожланган, янгиланиш ва ривожланиш жараёнларига мослашувчан, юксак маънавий ва педагогик маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фикрлаш ва инновацион фаолият кўрсата олиш маҳоратига эга бўлган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ўқитувчи шахсини тарбиялашдан иборат.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида амалга оширилаётган ўзгартиришлар ва янгиликлар асосида педагог ходимларга белгиланаётган замонавий талаблар

- таълим ва ёшлар тўғрисидаги Ҳукумат томондан қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушуниб етадиган ҳамда тарғибот қиладиган;

- ўз фанини чуқур биладиган, педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг субъективлигини ва фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият қаратадиган;

- ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган;

- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар ва педагоглар ҳамкорлигини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларда мотивлаштириш, рефлексиф фаолият жараёнларини ташкил этиш асосида рефлексиф таълимий муҳитни шакллантириш йўналишларида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи шахсини шакллантиришни тақозо этади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини барқарор ривожлантиришда ўқитувчиларнинг фаолияти самарадорлиги асосан уларнинг педагогик жараёнлари ва уларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари, билими, кўникма ва малакалари даражасига ҳамда уларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий амалиётга эга бўлган шахсий сифатлари шунингдек қобилиятлари, маҳорати ва касбий тажрибасига боғлиқ бўлади.

Чунки ўқитувчи шахси педагогик жараёнларини ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга бошқарувчи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ўқитувчи педагогик жараёнларни ҳам бошқарувчиси, ҳам иштирокчиси сифатида тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиш зарурияти бежиз белгиланмаган

Қуйидагилар ўқитувчи компетентлиги ва фаолиятига таъсир этади:

- ўқувчилар талабининг ўсиши;
- иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши;
- замонавий технологияларни такомиллашуви;
- жамият эҳтиёжи ҳамда таълимга талабнинг ўсиши;
- КТМД асосида ўқитувчи субъекти ролининг ўзгариши;
- ДТС ва ўқув дастурларини оптималлаштирилиши;
- Таълим соҳасида халқаро тажрибалар ва қиёсий таҳлил натижалари;

Демак, компетентлик таълим муассасаси ўқитувчиларининг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини ифодалайди. Мазкур салоҳиятни таълим муассасаси ўқитувчилари педагогик фаолияти жараёнини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан ташкил этилаётган

педагогик жараёнларнинг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Шундай экан, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда компетентлик ўқитувчининг индивидуал қобилиятлари ва малакаси, ўзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек замонавий талаблар асосида ташкил этилган педагогик жараёнларнинг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқланади.

Шундай қилиб, кишилик жамияти тараққиётининг шахс тарбияси масалалари кун тартибига қўйилган илк даврларданок болаларнинг таълими ва тарбияси учун масъул шахслар тоифасининг шаклланиши, уларнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ижтимоий талабларга жавоб бера олишлари, касбий маҳоратга эга бўлишларига нисбатан ижтимоий талаблар қўйила бошлаган.

Назорат саволлари:

1. Педагогнинг касбий ривожланиш поғоналари нималардан иборат?
2. Ўқитувчининг педагогик маҳорати мазмуни нима?
3. Ўқитувчининг педагогик компетентлигига нималар қиради?
4. Педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш учун нималарга аҳамият берилади?

3-мавзу: Таълим муассасасини илмий-методик бошқаришда инновацион таълим ва уни амалиётга киритиш босқичлари (2 соат назарий машғулот)

РЕЖА:

1. Таълимда илғор хорижий тажрибалар
2. TALIS тадқиқотлари Ўзбекистонда

Таянч иборалар: новатор, инновация, таҳлил ва лойиҳалаштириш, янгиликка интилувчан, “Модификациялашган таълим”, интерфаол муҳит, импровизация, «Танқидий фикрлаш»

Таълимда илғор хорижий тажрибалар

Ўқувчилар билимини халқаро баҳолаш тизими

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари айнан мана шундай талабларнинг бугунги кун таълим тизими учун жуда муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда аксарият хорижий давлатларда таълим ва фан соҳалари ривожланишини баҳолаш ва

мониторинг қилиш орқали таълим сифатини оширишга қаратилган айрим илғор тажрибаларни ўрганиб чиқди.

Хусусан, дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи PISA (Ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби бир қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

PIRLS - тадқиқотида 50 дан ортиқ давлатлар иштрок этиб келмоқда. Мазкур халқаро тадқиқотнинг мақсади турли хил таълим тизимидан иборат бўлган давлатлардаги бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ва қабул қилиш бўйича тайёргарлиги ҳамда ўқувчиларнинг ҳар хил ютуқларга эришишга сабаб бўлувчи таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Албатта бундай тадқиқот халқ таълими соҳасидаги ишчилар, олимлар, методистлар, ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоат вакиллари учун катта аҳамиятга эгадир.

TIMSS - ҳам жаҳон мамлакатлари таълим тизимида кенг тадбиқ этилмоқда. *TIMSS* дастури Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси IEA (International Association for the Evaluation of Educational Achievements) томонидан ташкил этилган бўлиб, ушбу тадқиқот 4 ва 8 синф ўқувчилари орасида математика ва табиий фанлар бўйича таълимнинг сифати, даражаси, фанга бўлган муносабати, қизиқишини аниқлайди. Ҳар 4 йилда бир маротаба олиб борилади. Ушбу тадқиқот *PIRLS* тадқиқотига ўхшаб, ўқувчилар, мактаб маъмурияти ва ўқитувчилари орасида қўшимча сўровномалар ўтказди ва фан соҳасида тўсқинлик қилаётган асосий омилларни аниқлайди. Бу эса ўша мамлакатда ишлаб чиқилган таълим стандартларини ва таълим самарадорлигини бошқа давлатлар билан солиштириб кўриш имконини беради.

TALIS дастури бўйича тадқиқотнинг асосий масалалари

- Педагогик кадрларни тақсимлаш
- Мактаб бошқаруви
- Ўқитувчиларни тайёрлаш ва касбий ривожлантириш
- Ўқитувчиларнинг иш сифатини баҳолаш
- Ўқитиш усуллари, шакллари ва кўринишлари
- Ўқитувчиларнинг ишларидан ва ўзларининг ўқитишларидан қониқишлари

TALIS – нима учун ўтказилади?

- Ўқитувчилар ва директорларга таълим сиёсатига таъсир кўрсатиш имконияти
- Мамлакатлараро ҳамкорлик имконияти
- Ҳақиқий танланган ишончли маълумотлар олиш имконияти

- Статистикадаги бўшлиқларни тўлдириш ва болаларнинг эришган натижаларига ўқитувчиларнинг таъсири қай даражадалигини баҳолаш имконияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори билан Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.

Унда энг устивор вазифа қилиб қуйидагилар олинди:

халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув адабиётлари мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

PISA баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш;

ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш ва 2019-2021 йилларда амалий кўникмаларини шакллантирилишини баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш.

PISA тадқиқоти ҳақида асосий маълумотлар

Умумий таъриф

PISA Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотиташаббуси билан ўтказиладиган халқаро тадқиқот.

- Ўн беш ёшли ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини стандартлаштирилган баҳолаш бўлиб, материаллар халқаро дастурни амалга оширишда иштирок этувчи мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқилади.
- 78 та мамлакатда ўтказилади. Ҳар бир мамлакатда 4500 дан 10000 нафаргача ўқувчи тест синовларига жалб этилади.

PISA доирасида қуйидагилар тадқиқ этилади:

- ✓ Ёшлар келажакда ўзлари дуч келадиган қарама-қаршиликларга қай даражада тайёр?
- ✓ Ўқувчилар зиддиятлар сабабларини таҳлил қилиш, излаш ва аниқлаш ҳамда ўз ғояларини тақдим этишга қодирми?
- ✓ Ўқувчилар қай даражада ўз билим ва кўникмаларини реал ҳаётга татбиқ этиш қобилиятига эга?

PISAнинг асосий мақсади мактабни тугатгандан сўнг ўқувчилар фаол ҳаётий позицияни эгаллашларига имкон берадиган чуқур билимга эгалик даражасини баҳолашдир.

Мазмун-моҳияти

- Ўқувчилар тайёргарлигини баҳолаш уч йўналишда, “Ўқиш саводхонлиги”, “Математик саводхонлик”, “Табиий-илмий саводхонлик”

бўйича амалга оширилади. Буларнинг ҳар бири маълум бир ўқув фанига мос келади.

- Асосий эътибор ўқувчилар асосий тушунчаларни англашига, юқорида кўрсатилган уч йўналиш доирасида ўрганилаётган асосий усулларни эгаллашларига ва ўз билимларини турли вазиятларда ишлата олиш қобилиятига қаратилади.
- Баҳолашда ўқувчиларни ўқув фанларини тўлиқ мазмун моҳиятини ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилмайди. Тадқиқотда ҳаётда керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишига ҳамда ўқувчиларни фанларнинг ўзаро боғлиқлигидан хабардорлигини баҳолашга эътибор қаратилади. (олдига қўйилган масалани ечишда турли фанларни ўрганиш жараёнида олинган билимларидан ёки бошқа ахборот манбаларидан олинган билимларидан фойдаланишларига эътибор берилади)

Услублар

- Тест синовларига жавоби танланадиган ҳамда ўқувчи ўзининг қисқа ёки тўлиқ асосланган жавобини ёзишилозим бўлган топшириқлар киритилади. Баъзи бир топшириқларайнан бир ҳаётий вазиятларга доир, турли мураккабликка эга бир неча саволдан иборат бўлади.
- Тестлар бир неча вариантда тузилади. Бунда бир гуруҳдаги топшириқлар бир неча вариантга киритилиши мумкин.
- Ўқувчилар ҳақидаги маълумотларанкета сўровномаси ёрдамида тўпланади. (анкетани тўлдиришга 40 дақиқа ажратилади).
- Мактаб директорлари ўз мактаби ҳақида маълумот берадиган сўровномани тўлдиради. Олинган маълумотлардан олдиндан белгиланган омилларнинг таълим натижадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Ўтказиш муддати

Тадқиқот уч йилда бир марта ўтказилади. I давр – 2019-2021 й.й. Унинг натижалари 2022 йилда эълон қилинган. II давр – 2022-2024 й.й. III давр – 2025-2027 й.й. Шунингдек, тадқиқотлар ҳар 3 йилда мунтазам ўтказилиб келинади.

Ҳар бир даврда асосий эътибор юқорида кўрсатилган тадқиқот йўналишларининг бирига ажратилади. Қолган иккита йўналишлар бўйича эса баъзи бир орттирилган кўникмалар ҳақида маълумот олинади. 2021 йилдаги асосий йўналиш -“ўқиш саводхонлиги”, 2024 йилдаги йўналиш -“математик саводхонлик”, 2027 йилда эса –“табiiй-илмiiй саводхонлик” асосий йўналиш қилиб олинади.

Натижалар

- 15 ёшли ўқувчиларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари ҳолатини белгиловчи сон кўрсаткичлари.
- Ўқувчиларга таълим бериш ва мактаб фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ҳолатини бегиловчи сон кўрсаткичлари.

- Вақт ўтиши билан натижалардаги ўзгаришлар тенденциясини белгиловчи сон кўрсаткичлари.

Шу тариқа ўтказилган тадқиқот ўқувчилар билим ва кўникмасининг ҳолати, мактабдаги таълим сифати ва олиб борилаётган ишларнинг натижаларига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида маълумотлар банкани яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижалари ҳар уч йилда турли мамлакатлар таълим тизимини белгиловчи кўрсаткичлар билан бирга эълон қилиниб борилади. Бу ахборот иштирокчи мамлакатларга ўз ютуқларини бошқа мамлакатларнинг ютуқлари билан қиёслаш ва бу орқалихалқ таълими тизими бўйича сиёсатни аниқлашда фойдаланиш имконини беради.

Асосий таърифлар

Ҳозирги даврда мактаб битирувчиларининг тайёргарлик даражаси қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашлар ўзгариб бормоқда. Мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда ўз билимларинитурли ҳаётий вазиятларда қўллай олишмалакасини ривожлантиришни таъминлаш зарур. Келажакда бу малакалар мактаб битирувчисининг жамият ҳаётида фаол қатнашишига, бутун ҳаёти давомида билимини ошириб боришига ёрдам беради.

PISA тадқиқотининг мақсади ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, уларда ана шундай кўникмалар борлигини аниқлашдан иборат. Шу жиҳатдан PISA тадқиқоти мақсади мактаб программаси бўйича белгиланган фанларга доир билим ва кўникмаларни, ҳаётий вазиятлар билан бир оз боғлиқ бўлган ёки мутлақо боғлиқ бўлмаган топшириқларини бажариш ёрдамида аниқлаш бўлган бошқа халқаро тадқиқотлардан фарқ қилади.

Қуйида мазкур тадқиқотнинг ҳар бир йўналишига хос хусусиятларга таъриф ва қисқача тавсиф берилади.

15 Ёшли ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш



“Ўқиш саводхонлиги”

Ўқиш саводхонлиги—инсоннинг ёзма матнларни тушуниш ва уларни таҳлил қилиш, улар мазмунидан ўз мақсадларига эришишда, билим ва имкониятларини ривожлантиришда, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишда фойдаланиш қобилияти.

“Ўқиш саводхонлиги” атамаси кенг маънога эга, бунда ўқиш техникасини очиқ-равшан текшириш кўзда тутилмайди. Тадқиқ этиш мақсади, саводхонларча ўқиш кўникмаси ҳақидаги замонавий тасаввурни акс эттиради. Ана шу тасаввурга кўра асосий мактаб битирувчиси матнларни тушуниши, унинг мазмун-моҳияти устида фикр юритиши, уларнинг маъноси ва аҳамиятини баҳолаши, ўқилган нарсга ҳақида ўз фикрини билдириши лозим. Асосий эътибор турли вазифаларда “ўқиш саводхонлиги” кўникмасини текширишга қаратилади. Ўқувчиларга турли жанрлардаги матнлар: бадий асарлардан парчалар, кўнгилочар матнлар, шахсий хатлар, ҳужжатлар, газета ва журналлардан олинган мақолалар, йўриқномалар, реклама эълонлари, географик хариталар ва бошқалар таклиф этилади. Унда ахборот тақдим этишнинг турли шакллари, диаграммалар, расмлар жадваллар ва графиклардан фойдаланилади.

“Математик саводхонлик”

“Математик саводхонлик”—инсоннинг ўзи яшаётган дунёда математиканинг ролини аниқлаш ва англаш қобилияти, яхши асосланган математик мулоҳазаларини баён қилиш ва яратувчан, манфаатдор ва ўз фикрига эга фуқарога хос эҳтиёжларни ҳозирда ва келажакда қондириш учун математикадан фойдаланиш қобилияти.

Одатда мактаб ўқув дастурида белгиланадиган “саводхонлик” атамаси математик билим ва кўникмаларнинг ҳолатини ўрганишмазкур тадқиқотларнинг бирламчи вазифаси эмаслигини кўрсатиш учун ишлатилган. Асосий эътибор турли вазиятларда мушоҳада ва интуицияни талаб қилувчи турли хил ёндашувлардан фойдаланиб математик билимларни қўллашга қаратилади. Бунинг учун одатда мактабда ўрганиладиган анча-мунча математик билимлар зарур бўлади.

Тадқиқотда ўқувчиларга асосан дарсликдаги эмас, балки ҳаётга хос бўлган (тиббиёт, уй-жой, спорт ва бошқа) амалий вазиятлар таклиф этилади. Шунингдек, белгиланган билим ва кўникмаларни алоҳида-алоҳида текшириш кўзда тутилмайди. Кўп ҳолларда нафақат математикадан, балки физика, биология фанларининг турли мавзу ва бўлимларидан билим ҳамда кўникмаларини ишлатиш талаб этилади.

“Табиий-илмий саводхонлик”

“Табиий-илмий саводхонлик”—реал ҳолатларда илмий услублар ёрдамида тадқиқ қилиниши ва ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларни ажратишда,

кузатиш ва тажрибага асосланган хулосалар чиқаришда табиий-илмий билимларни қўллай олиш қобилияти. Бунда кузатиш ва тажрибаларга асосланган хулосалар олиш учун илмий методлар ёрдамида текшириш ва ҳал этилишида табиий-илмий билимларни ишлата олиш қобилияти, долзарб муаммолар ҳақида фикрлай олиши, шахсий, ижтимоий, глобал муаммоларга дуч келганда ечиш кўникмасига эга бўлиши, мушоҳада юритиш қобилияти синовдан ўтказилади.

Тадқиқотда баҳоланадиган табиий-илмий саводхонлик бўйича билим ва кўникмалар мактабдаги табиий фанлар, физика (астрономия элементлари билан), биология, кимё, география фанларини ўргатилаётганда шаклланади.

Табиий-илмий саводхонлик қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Табиий фанлар доирасида шаклланадиган ҳамма фанларга оид кўникмалар.
2. Табиий фанлардан фойдаланиладиган табиий-илмий тушунчалар ва вазифалар.

Тадқиқотнинг мақсади кўникма ва тушунчаларни комплекс текширишдан иборат. Асосий эътибор, таклиф қилинган саволларга ўқувчиларнинг табиий фанлардан олган билимлари орқали жавоб берилиши, берилган ахборот асосида илмий жиҳатдан асосланадиган хулосалар чиқариш қобилиятига қаратилади. Ўқувчиларга тақдим этилган ҳаётий вазиятлар ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётида юзага келадиган долзарб муаммолар (масалан диета сақлашда маҳсулотлардан фойдаланиш), бирор жамоа ёки жамият аъзоси сифатида (масалан шаҳарга нисбатан электростанциянинг жойлашишини аниқлаш) ёки дунё фуқароси сифатида (масалан глобал исиш оқибатлари ҳақида мушоҳада юритиш) инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлади.

Табиий фанлар бўйича топшириқлар табиий фан тарихи ёки кундалик ҳаётдаги муайян вазиятни тасвирлайдиган матнга тегишли бир қатор саволларни ўз ичига олади. Ҳар бир масала, одатда муайян билим ва кўникмаларни текширади, масалалар гуруҳи эса уларни умумий ўзлаштирилишини текширади. Баъзи топшириқлар гуруҳида 8 тагача саволлар бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида баҳоланади.



PURLS юзасидан маълумотлар

“Саводхонлик” сўзи ўқувчиларнинг келажақда ўз режаларини амалга оширишда, яъни билим олишни давом эттириш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатда иштирок этишда асосий

воситаси сифатида саводхонларча ўқиш кўникмасини эгаллашдаги муваффақиятини англатади.

Тушунчанинг моҳиятини англатувчи белгилари англаш, таҳлил қилиш, фикрлаш, мушоҳада юритиш, ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

“Ёзма матн” деганда босма, қўлда ёзилган, дисплейда тасвирланган, табиий тил ишлатилган матнлар назарда тутилади. Бундай матнлар диаграмма, расмлар, карта, жадваллар, графика кўринишидаги визуал тасвирлардан иборат бўлиши мумкин. Фильмлар, телетасвирлар, мультипликациялар, сўзсиз расмларни киритиш бундан мустасно, чунки улар идрок этишнинг бошқача йўлини талаб қилади. Визуал тасвирлар киритилганда матнларни яхлит (бундай тасвирларсиз) ва яхлит бўлмаган (тасвирлар билан) матнларга бўлиш мумкин.

Шу билан бирга, визуал тасвирлар (визуал матнлар) алоҳида мустақил тарзда берилиши ҳам мумкин.

Матнларнинг турлари

Матнларни мукамал даражада тоифаларга ажратиб бўлмайди. Тадқиқот мақсадлари учун матнларнинг қуйидаги умумий хусусиятлари жуда муҳим деб топилган:

- ✓ баённинг равонлиги ва изчиллиги;
- ✓ уларнинг реаллиги;
- ✓ фактларни таҳлил қилмай тавсифланиши (илмий, амалий ва бошқа матнлар) ва тўқималиги;
- ✓ бадийлиги (бадий публицистик ва бошқа матнлар) уларнинг яхлит ва нояхлит хусусияти.

Тадқиқотда матнларнинг барча турларидан жумладан, ҳеч бир категорияга мос келмайдиган матнлардан фойдаланилади.

Ўқувчиларнинг ҳар хил турдаги матнларни ўқиш қобилиятидаги фарқларни аниқлаш тадқиқотнинг мақсад вазифасига кирмайди. Тадқиқотдан мақсад ўқувчиларга ўқиб тушуниши учун ҳаётда кўпроқ ишлатиладиган матнларни таклиф қилиш билан улар учун умумий ва аҳамиятли бўлган натижаларни аниқлашдир.

Тадқиқотга асос қилиб олинган матнларнинг умумий қисқача таснифи

Яхлит матнлар:

- Тасвирлаш (баён) бадий ва техникавий топшириқлар 13%
- Ҳикоя қилиб бериш (ҳикоя, ҳисобот, репортаж) 22%
- Тушунтириш (тушунтириб берадиган, иншо, таърифлаш, изоҳлаш, қисқа хулоса (резюме), шарҳлаш (интерпретация) 13%
- Далиллаш (комментарий, илмий асослаш) 13%

•Инструкция – қўлланма (ишни бажариш учун кўрсатма, қоидалар, уставлар, қонунлар) 5%

Яхлит бўлмаган матнлар:

•Графиклар –11%

•Диаграммалар –3%

•Жадваллар –11%

•Карталар –3%

•Ҳужжат намуналари – (солиқ ҳужжатлари, ташриф қоғозлари, анкеталар) –3%

•Ахборот қоғозлари ва эълонлар2%

Саводхонликни баҳолашда қуйидаги беш жиҳатни ҳисобга олинади:

1) Матн мазмунининг умумий ориентацияси ва унинг мантикий бутунлигини тушуниш (20% топшириқлар).

2) Маълумотларни аниқлаш (20%)

3) Матнни шарҳлаш, изоҳлаш (30%)

4) Матн мазмунини таҳлил қилиш, мушоҳада юритиш (15%)

5) Матннинг услуги устида фикр юритиш (15%)

Ўқиш саводхонлигининг барча жиҳатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Иккинчи жиҳатининг муваффақиятли адо этилиши биринчисининг тўғри бажарилишига боғлиқ. Матнни тўлиқ тушуниш ўқувчиларни ҳар бир жиҳат бўйича чуқур билимга эгалик даражасини кўзда тутди.

Матн мазмунини нимага қаратилганлигини аниқлаш ва унинг маъно бутунлигини тушуниш учун бош мавзунини умумий мақсадини ёки матндан кўзланган мақсад нималигини аниқлаш лозим. Бунинг учун ўқувчининг ўзига матнга сарлавҳа ўйлаб топиш, матннинг умумий маъносини англатувчи тезис тузиш, матнда кўрсатилган йўл-йўриқлар тартибини тушунтириш, график ёки жадвалларнинг асосий таркибий қисмлари нималардан иборатлигини аниқлаш, карта ёки расмнинг мақсадини аниқлаш каби вазифалар берилади.

Умуман матнни тушунган-тушунмаганини аниқлашга қаратилган топшириқлар ўқувчиларга матннинг бир қисми ва савол кўринишидаги умумий ғояси ўртасидаги мосликни, матн қисми ва муаллиф томонидан берилган ўзига хос изоҳ ўртасидаги мосликни аниқлаш учун берилиши мумкин.

Матн ғоясининг берилган таърифлар орасидан умумийроғи, асосийроғини танлашни таклиф қилиш ўқувчининг асосий ғояни иккинчи даражасидан ажрата олиш маҳоратини кўрсатади.

Топшириқларни бажариш учун ўқувчи матннинг тузилиши, жанр хусусиятлари ҳақидаги билимга, матндаги истехзо, юмор сўз ифодаланган

маъно нозикликларини пайқаш, муаллиф фикрини англаши ва тасвирланган воқеа ходисага муаллиф берган баҳони фарқлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Матн услубини англашни кўрсатадиган топшириқлар иш фаолиятининг айнан танқидий таҳлил, тасвирнинг муаллиф ўйлаган ғояга мослиги ёки матннинг услубий шарҳ сифатида ўз мақсадига мослигини баҳолаш ва бошқа усуллари кучайтиради.

“Саводхонлик” атамаси айнан ўқувчиларнинг олган билимларини кундалик ҳаётга тадбиқ эта олиш маҳоратини таъкидлаш учун қўлланилади.

Масалан, функционал ўқиш (хизматга, ишга оид) деганда ўқувчининг маълумот олиши ва уни баҳолаш маҳорати, диаграммаларни ўқиш, матндаги боғлиқликларни (алокани) топиш, изоҳлаш, шарҳлаш, хулоса чиқариш маҳорати назарда тутилади.

Мактаб маъмурияти ҳам қисқача анкета тўлдиради, мактаб ходимларининг сони, ўқитувчилар мустақиллиги, мактаб ресурслари, тажрибалари ҳақида маълумотлар тўплаш амалга оширилади.

PISA дастурида ўқувчиларнинг математик саводхонлиги 54 та топшириқ (84 та савол), ўқиш саводхонлиги 8 та топшириқ (28 та савол), табиий фанлардан билими 13 та топшириқ (35 та савол), шу йўналишлар бўйича ўқувчиларнинг компетентлиги, муаммоларни еча олиш кўникмалари 10 та топшириқ (19 та савол) ёрдамида аниқланади. Саволларнинг 50 фоизи жавоби танланадиган (тест) бўлса, 12 фоиз саволларнинг жавоблари ўқувчи томонидан аниқ сўз ёки рақамлар воситасида ифодаланиши, саволларнинг қолган қисмига ўқувчи эркин жавоб ёзиши керак бўлади.

PISA, TALIS тадқиқоти баҳолаш бўйича сўровномалардан намуналар
Таълим муассасаси директор, унинг ўринбосарлари учун сўровномалар

1	Сизнинг таълим муассасангизда нечта математика ўқитувчиси меҳнат қилади?
	Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ставкада ишловчи ўқитувчилар киритилади. Тўлиқ ставкада ишловчи ўқитувчи деб, бутун ўқув йили давомида 90 % дан кам бўлмаган вақтини ўқитувчи сифатида машғулотлар ўтказишга сарфлайдиган ходим ҳисобланади. Бошқалар эса тўлиқ бўлмаган ставкада ишловчи ўқитувчилар ҳисобланади.

	Илтимос, фақатгина бу ўқув йилида математика фанидан дарс бераётган ва берадиган ўқитувчиларни ҳисобга олинг. (Илтимос, рақамларни белгиланган қаторга ёзинг. Агар биронта ҳам йўқ бўлса 0 (ноль)сонини ёзинг).				
		Тўлиқ ставкада ишловчи ўқитувчилар	Тўлиқ бўлма ган ставка		
a)	Ўқитувчиларнинг УМУМИЙ сони	_____	_____		
b)	Олий маълумотли математика ўқитувчилари	_____	_____		
c)	Математика соҳасида олий маълумотга эга бўлган математика ўқитувчилари	_____	_____		
d)	Педагогика соҳасида олий маълумотга эга бўлган математика ўқитувчилари	_____	_____		
e)	Техник ёки профессионал маълумотли, аммо олий маълумотга эга бўлмаган математика ўқитувчилари	_____	_____		
2	Қуйидаги омиллар, сизнинг таълим муассасангиздаги таълим сифатига қай даражада таъсир кўрсатади? (Ҳар бир қатордан фақат битта катакка белги қўйинг)				
		Умуман таъсир кўрсат- майди	Жуда кам	Озгина миқдорда	Жуда кучли
a)	Табиий фанлардан малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги	■1	■2	■3	■4
b)	Малакали математика ўқитувчиларнинг етишмаслиги	■1	■2	■3	■4
c)	Малакали рус тили ўқитувчиларнинг етишмаслиги	■1	■2	■3	■4
d)	Бошқа фанлардан малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги	■1	■2	■3	■4
e)	Табиий фанлар бўйича лаборатория жиҳозларининг сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
f)	Ўқув материалларининг (масалан, дарсликларнинг) сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
g)	Ўқув жараёнида фойдаланиладиган компьютерларнинг, сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
h)	Интернетга уланиш имкониятининг йўқлиги ёки интернет билан алоқанинг сифатсизлиги.	■1	■2	■3	■4

i)	Ўқув жараёнида фойдаланиладиган компьютер дастурий таъминотининг сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
j)	Таълим муассасангиз кутубхонасидаги адабиётларнинг сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
k)	Мактаб биноси ва хоналарининг сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
l)	Иситиш/совутиш ва ёритиш тизимларининг сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
m)	Ўқув хоналарининг (масалан, синфларнинг) сифати ва сонининг етарлича эмаслиги	■1	■2	■3	■4
3	Сизнинг таълим муассасангизда ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқлари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги мақсадлардан биронтаси учун фойдаланиладими?				
	Таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақидаги маълумотларга таълим муассасаси, параллел синфлар, алоҳида синфлар ёки битирув имтиҳонлари ҳақидаги маълумотлар киради.				
	(Ҳар бир қатордан фақат битта катакка белги қўйинг)				
			Ҳа	Йўқ	
a)	Таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақидаги маълумотлар танишиш учун очик кўрсатилади (масалан, оммавий ахборот воситаларида босиб чиқарилади)	■1	■2		
b)	Таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақидаги маълумотлар маъмурият томонидан доимий назорат қилинади.	■1	■2		
4	Қуйидаги омиллардан қай бири, сизнинг таълим муассасангиздаги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади?				
	(Ҳар бир қатордан фақат битта катакка белги қўйинг)				
		Умуман таъсир кўрсатмайди	Жуда кам	Озгина	Жуда кучли
a)	Ўқувчилар томонидан дарсларни қолдирилиши	■1	■2	■3	■4
b)	Ўқувчиларнинг (узрли ва узрсиз сабаблар билан) дарсларда қатнашмасликлари	■1	■2	■3	■4
c)	Ўқувчиларнинг дарсларга кечикиб келиши	■1	■2	■3	■4
d)	мажбурий мактаб тадбирлари (масалан спорт мусобақалари ёки экскурсиялар)га қатнашмайдиган ўқувчилар	■1	■2	■3	■4
e)	Ўқувчиларнинг ўқитувчиларни ҳурмат қилмасликлари	■1	■2	■3	■4

f)	ўқувчиларнинг дарсларга ҳалақит бериши	■1	■2	■3	■4
g)	ўқувчиларнинг спиртли ичимликлар ёки наркотик воситалар қабул қилишлари	■1	■2	■3	■4
h)	Ўқувчиларнинг безорилиги ёки бошқа ўқувчиларни қўрқитишлари	■1	■2	■3	■4
i)	Таълим муассасаси ўқувчиларга ўз салоҳиятларини тўлиқ намоёниш қилишга имкон бермайди	■1	■2	■3	■4
j)	Ўқувчилар ва ўқитувчилар орасидаги салбий муносабатлар	■1	■2	■3	■4
k)	Ўқитувчиларга турли билим даражасига эга ўқувчиларни бир синфда ўқитишларига тўғри келади.	■1	■2	■3	■4
l)	Ўқитувчиларга турли этник гуруҳ (тил, маданият)га эга ўқувчиларни бир синфда ўқитишларига тўғри келади.	■1	■2	■3	■4
m)	Ўқувчиларнинг таълим соҳасида ютуқларга эришишига ўқитувчиларнинг кутувлари паст даражада эканлиги	■1	■2	■3	■4
n)	Ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжларини қониқтирмасликлари	■1	■2	■3	■4
o)	Ўқитувчиларнинг ишга келмасликлари	■1	■2	■3	■4
p)	Таълим муассасаси штатининг ўзгартиришларга қаршилиқ кўрсатиши	■1	■2	■3	■4
q)	Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан ўта қаттиқ қўл муносабати	■1	■2	■3	■4
r)	Ўқитувчиларнинг ишга кечикишлари	■1	■2	■3	■4
s)	Ўқитувчиларнинг дарс ўтишга етарлича яхши тайёргарлик кўрмаганликлари	■1	■2	■3	■4
5	2017- 2018 ўқув йилида ўқувчилар ота-оналарининг неча фоизи таълим муассасасидаги тадбирларда иштирок этди?				
	Ҳар бир қаторга рақамларни ёзиб чиқинг. Агар сизнинг таълим муассасангиз фаолиятида биронта ҳам ота-она иштирок этмаган бўлса, 0 (ноль)сонини ёзинг, агар барча ота-оналар иштирок этган бўлса 100(юз)сонини ёзинг.				
					%
a)	Ота –онанинг шахсий ташаббусига кўра фарзандининг ҳулқини ўқитувчи билан муҳокама қилиши				

b)	Ўқитувчилардан бирининг ташаббусига кўра ота –она билан фарзандининг хулқини муҳокама қилиши				
c)	Ота –онанинг шахсий ташаббусига кўра фарзандининг таълим соҳасидаги ютуқларини ўқитувчи билан муҳокама қилиши				
d)	Ўқитувчилардан бирининг ташаббусига кўра ота –она билан фарзандининг таълим соҳасидаги ютуқларини муҳокама қилиши				
e)	Қурилишнинг материал-техник таъминотида, дурадгорлик ишларида, ободонлаштириш ёки боғдорчилик ишларида ихтиёрий равишда иштирок этиши				
f)	Дарсдан ташқари тадбирларда, масалан, таълим муассасасининг китобни севувчилар клуби, ҳаваскорлик тадбирларида, спорт мусобақаларида, ишлаб чиқариш амалиётида ихтиёрий равишда иштирок этиши				
g)	Таълим муассасасининг кутубхонаси ёки мультимедия кабинетларига ихтиёрий равишда ёрдам бериши				
h)	таълим муассасасининг ўқитувчиларига ёрдам бериши				
i)	Таклиф этилган меҳмон сифатида нутқ сўзлаши				
j)	Таълим муассасасининг мажлисларида иштирок этувчилар, масалан, ота-оналарнинг таълим муассасаси ёки маъмурият қўмитаси мажлисларида иштирок этиши				
k)	Таълим муассасаси учун маблағларни йиғишда ёрдамлашиши				
l)	Мактаб ошхонаси фаолиятида ихтиёрий равишда иштирок этиши				
6	Экспертлар баҳоси натижалари қуйидагиларга қай даражада бевосита таъсир кўрсатди?				
	(Ҳар бир қатордан фақат битта катакка белги қўйинг)				
		Ҳеч қандай ўзгариш	Арзimas ўзгариш	Ўртамиёна ўзгариш	Сезиларли ўзгариш
	Ойлик маошдаги ўзгариш	■1	■2	■3	■4
	Пул мукофоти ёки бошқа турдаги моддий рағбатлантириш	■1	■2	■3	■4
	Касбий фаолиятни ривожлантириш имконияти	■1	■2	■3	■4

Хизматдаги мансаб даражасининг кўтарилиш эҳтимоли	■1	■2	■3	■4
Жамиятдаги эътироф ..	■1	■2	■3	■4
Ишниянадажозибаторқилувчи, меҳнатмажбуриятларинингўзгариши	■1	■2	■3	■4
Мактабни ривожлантириш ташаббусларида иштирок этишдаги ролини ошириш (масалан,ўқув режаларини,мактабнинг мақсадларини ишлаб чиқувчи гуруҳ) ..	■1	■2	■3	■4

7	Сизнинг таълим муассасангиздаги 10-синф ўқувчисининг қуйидаги сабабларга кўра бошқа таълим муассасасига ўтказилиш эҳтимоли қандай? (Ҳар бир қатордан фақат битта катакка белги қўйинг)			
		Эҳтимоли кам	Эҳтимоли мавжуд	Эҳтимоли кўп
a)	Илмий ўзлаштиришнинг пастлиги	■1	■2	■3
b)	Илмий ўзлаштиришнинг юқорилиги	■1	■2	■3
c)	Хулқдаги муаммолар	■1	■2	■3
d)	Ўқитиш учун алоҳида шароитнинг зарурлиги	■1	■2	■3
e)	Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи қарамоғига олганларнинг талаби	■1	■2	■3
f)	Бошқа сабаблар	■1	■2	■3

TALIS тадқиқотлари Ўзбекистонда

Бутун дунё бўйлаб яхши ўқитувчиларни тайёрлаш, уларни узоқ вақт давомида ишлашга жалб қилиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва рағбатлантиришга қизиқиш тобора ортмоқда. Ўқувчиларнинг эришган ютуқлари синфда юз берадиган жараёнлар табиати ва сифати билан, биринчи навбатда, ўқитувчи фаолияти билан яқин алоқада эканлиги аниқланди. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўқитувчининг касбий

фазилатлари ўқувчиларнинг мактаб даражасида эришган ютуқларини белгилайдиган асосий омил ва бир неча йиллар давомида сифатли таълимнинг кам ишлаши мумкин бўлган ўқувчилар орасида мавжуд бўлган билимларнинг етишмаслигини бартараф қилиши мумкин.

Бироқ, ҳар бир синфга лаёқатли ва ғайратли ўқитувчи келмаслиги муаммоси ҳалигача давом этмоқда. Бунинг учун ўқитувчи мақомига оид мақбул сиёсатни ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, муайян миллий ва маҳаллий шароитда энг самарали бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот йўқлиги билан боғлиқ.

OECD томонидан олиб бориладиган таълим ва таълим тизимларининг (TALIS ни ўрганиш ва ўрганиш халқаро тизими) халқаро тадқиқоти ўқитувчиларнинг иш шароитлари ва мактабларда қандай шароитлар мавжудлиги ҳақидаги биринчи халқаро таққослаш ишидир. Унинг мақсади давлатларга мактаб жараёнларининг самарадорлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни қўллаб-қувватловчи сиёсатни белгилаш ва ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади сиёсий қарорлар қабул қилиш учун фойдали маълумотлар бериш ва мактаб фаолиятининг қуйидаги асосий жиҳатларини таҳлил қилишдир:

1. Мактаб бошқарувининг роли ва фаолияти.
2. Ўқитувчилар ишини баҳолаш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш.
3. Ўқитувчилар малакасини ошириш.
4. Педагогик амалиётлар ҳақида ўқитувчиларнинг нуқтаи назари ва муносабати.

Мактаб самарадорлигини таъминлашда етакчилик ролининг аҳамиятига қараб, TALIS мактаб раҳбариятининг ролини таҳлил қилишни ва директорларнинг ўқитувчиларга кўрсатадиган ёрдамни ўз ичига олади. Самарали ўқитувчиларни ушлаб туриш, рағбатлантириш ва такомиллаштириш ҳар қандай мактаб тизимининг устувор вазифаларидан бири бўлгани учун, лойиҳа ўқитувчиларнинг идрокини, ўқишини баҳолашни ҳамда уларнинг касбий талабларини, касбий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш даражасини таҳлил қилишга қаратилган. Ва ниҳоят, TALIS сизга ўқитувчиларнинг ўзаро педагогик амалиётлар ҳақида нуқтаи назарлари билан танишишга имкон беради.

Сўровномалар асосий мавзулардан ташқари алоқадор таҳлил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа мавзуларни ҳам ўрганади. Масалан,

“Мақтаб иқлими”, “Иш вақти”, “Иш хурсандчилиги” каби сўровномалар блоклари мавжуд.

TALIS тартибга солувчи ва маъмурий маълумотларни тўпласлигини унутмаслик керак, лекин ўқитувчилар ва мақтаб директорларининг фикрларини акс эттиради, улар ўқитувчилар ва мақтаб директорларининг фикрларини, нуқтаи назарларини ва мақтабларнинг умумий ўқитилиши ва фаолиятига оид ўз ҳисобларини акс эттиради. Бу эса TALIS орқали давлатларда таълим соҳасидаги зарур қарорларни қабул қилиш, ўқитувчиларни тайёрлаш ва таълим муассасаларини ривожлантириш учун ноёб ва жуда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Хорижий тажрибалар асосида қандай тадқиқотлар татбиқ этишга йўналтирилган?
2. Инновацион жараёнларни самарали бошқариш қандай амалга оширилади?
3. Инновацион жараёнида педагогик таълим йўналишлари нимадан иборат?
4. TALIS тадқиқотининг аҳамияти нимадан иборат?

4-мавзу: Инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш (2 соат назарий машғулот)

Амалий машғулотдан кўзланган мақсад: тингловчиларда инновацияни амалиётга татбиқ этишда сифат ва самарадорликка эришиш юзасидан кўникмаларини ривожлантириш.

Тингловчилар гуруҳларга ажратилади:

- 1-гуруҳга инновацияни амалиётга татбиқ этишда педагогик тизимни такомиллаштириш, интенсив ва экстенсив усуллар.
- 2- гуруҳга умумий ўрта таълим мақтабларининг ривожланиши учун вужудга келган тенденциялар

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ

Инновацияни амалиётга татбиқ этишда педагогик тизимни такомиллаштириш, интенсив ва экстенсив усуллар

“Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қарорлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда таълим мазмунини

ривожлантириш ва такомиллаштириш, белгилаб ўтилган вазифаларни таълим жараёнига татбиқ этишда сифат ва самарадорликни таъминлашнинг энг масъулиятли даври бошланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни амалга ошириш долзарб масалага айланди.

Инновацион педагогика талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда таянч, вариатив ўқув режалари, такомиллаштирилган ва оптималлаштирилган таълим стандартлари, модернизация қилинган дастурлар, дарсликларнинг янги авлоди танловлар асосида яратилиб, таълим муассасаларида фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳон стандартларига жавоб бераоладиган замонавий касб-хунар коллежлари, университет ва институтлар қошидаги академик лицейлар, мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, янги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, техника воситалари ва компьютерлаштириш ишлари аниқ давлат режалари асосида амалга оширилмоқда. Ўқитувчилар, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш ишлари давлат даражасида ижобий ҳал этиб борилмоқда. Шундай даврда ўқитувчиларнинг масъулиятни бирдек ҳис қилган ҳолда таълим жараёнига янгича ёндашиб, замонавий дарсларни ташкил этишига нима халақит бермоқда? Мактабларда инновацион усулларни қўллаш, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш, янги дастур, стандартларни ўзлаштиришни кафолатлаш, ўқувчини эркин фикр юритишга ўргатиш, ўз шахсий позициясини қатъий ҳимоя қилишга эришиш учун нима ва қандай қилмоқ керак?

Замонавий дарсларни ташкил этиш ўқув жараёнларига илғор технологияларни олиб кириш, таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш асосида ташкил этиш орқали Давлат таълим стандартларини тўла ўзлаштиришни кафолатлаш шу кундаги энг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифалардан бирига айланиб қолмоқда. Бунинг учун янгича инновацион муҳитда ўқитувчиларнинг ўзларини янгича ишлаш, яъни инновацион фаолият юритишларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам мавжуд бўлган анъанавий педагогика асосида инновацион педагогикани таълим жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон олимлари ва таълим мутахассислари инновацион педагогика ҳақида жиддий фикрлар билдирмоқдалар. Инновацион педагогиканинг асосий вазифаси мавжуд бўлган бутун ўқув-тарбия назариясини инновацион асосда қайта ташкил этиб, ўзгаришлар киритиш зарур демоқдалар.

Кўпгина инноваторлар фикрича, мавжуд мумтоз педагогик назариялар эскириб қолган, янги шароитда ҳозирги авлодни эскириб қолган назария билан тарбиялаш қутилган натижаларни беравермайди. Шундай вазиятда бутун ўқув – тарбия тизими назариясини инноватика фани асосида қайта ташкил этиб, ўзгартириш зарурияти туғилмоқда. Кучли, таъсирчан ва мустаҳкам тарбия тизимини фақатгина фан ўрганган объектив асослар ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантириш мумкин. Бу, албатта, инновацион педагогика билан боғлиқ.

Кўп ҳолларда инновацион педагогикани анъанавий педагогикага нисбатан муқобил педагогика деб юритмоқдалар. Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас, ҳеч бўлмаганда энг оддий тушунчалар бўйича: синф, ўқувчи, мазмун ва дарсликлар ҳам бу ҳолда сақланиб қолади. Агар педагогик тизим сақланидиган бўлса, унда уни фақатгина мукаммаллаштириш, такомиллаштириш, ривожлантириш ҳақида гапириш мумкин. Умуман педагогик жараён педагогик тизим асосида кечади.

Педагогик тизим компонентлари бирлашган ҳолда ўқув-тарбиявий жараён технологиясини ташкил этади. Шунини таъкидлаш керакки, педагогик тизим технологиялаштиришга қулайлик туғдиради. Бу ўз навбатида таълим тизимини бошқаришда қулайлик яратади. Бошқаришдаги қулайлик эса доимо янги самараларга олиб келади.

Педагогик тизимда ҳар бир компонент элементлари ўқувчининг билим, кўникма, малака олишига муҳит яратади. Педагогик тизимни такомиллаштириш доимо педагогик жараён самарадорлигини оширади. Таълимдаги сифат ва самарадорликни ошириш фақат таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Демак, инновацион жараёнларни педагогик тизимга боғлаш ёки киритиш орқалигина таълимда юқори даражаларга эришиш мумкин. Бунда янгиликларни амалиётга секинлик билан босқичма-босқич киритиш, унинг қанчалик фойда келтиришини ўйлаб, ўлчаб иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ривожланиши учун вужудга келган тенденциялар

Инновацион жараёнда чуқурроқ билим олиш, ўрганиш, ўзлаштириш, кенг ҳажмдаги билимларни олишга қаратилмоғи яхши натижалар беради. Бу дегани, ўқув-тарбиявий фаолият мотивациясини ошириш, дарс жараёнларида ўқув материали ҳажмини ошириш, ўқув жараёнини жадаллаштириш, вақтни тежаш, кўпроқ янги методлардан фойдаланиш, ўқув-тарбиявий ишларда интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш,

ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилишдан иборат. Юқори натижалар берадиган янги ғоялар, янги назарий билимлар берувчи, инсонни ривожлантиришга олиб келувчи том маънодаги инновацияларни яратиш, излаш, таълим жараёнига жорий этиш талаб этилади.

Умуман педагогик тизимни такомиллаштиришнинг иккита: интенсив ва экстенсив усули мавжуд.

Интенсив йўл – педагогик тизимни ривожлантиришнинг ички имкониятлари: ўқитувчи, ўқувчи, метод, шакл, восита, ота-она ва бошқа ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига амалга оширилади.

Экстенсив йўл – педагогик тизимни ривожлантиришнинг инвестициялар: янги, модернизация қилинган восита, жиҳозлар, технологиялар, капитал таъминот, молиялаштириш асосида амалга оширилади.

Ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг яна бир йўли ўқув жараёнини инсонпарварлаштиришдан иборат. Яъни таълимни ташкил этишда ҳамкорлик, ўқувчига ғамхўрлик, ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, уни эъзозлаш, кечиримли бўлиш, ўқувчини ривожлантириш учун муҳит яратиш, психологик соғлом муҳитни вужудга келтириш, ижодий муҳит яратиш, ўқувчи билан дўстона муносабатда бўлиш, ўқувчининг эҳтиёжи, қизиқиши, шахсий фазилати, иқтидори, ички имкониятларини ишга солиш катта аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим инновацион жараёнларнинг назорат асослари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мос равишда таълим парадигмаси ҳам жиддий ўзгарди – унинг мақсади, мазмуни, технологияси “эркин шахс” муаммоси ечимини топишга қаратилмоқда. Шу билан бирга ҳаётга инновацион таълимий жараёнларни олиб кирадики, улар ўз навбатида назарий ва методологик даражада фикр юритишни ва асослашни талаб этади.

Ҳозирги давр талабларига жавобан умумий ўрта таълим мактабларининг ривожланиши учун вужудга келган тенденциялар сирасига таълимни демократлаштириш, фундаментлаштириш, ўқувчилар ва ўқув меҳнатини индивидуаллаштириш, инсонийлик ва инсонпарварлаштириш, компьютерлаштириш киради:

– таълимни демократлаштириш – таълимнинг ҳамма учун очиклиги, унинг турини ва шаклини, ўқитиш характерини танлаш эркинлигини таъминлаш, лекин, авторитарлик ва буйруқбозлик бошқариш моделидан воз кечиш;

– таълимни фундаментлаштириш – материални бир мунча қатъий саралаш, тизим мазмунини таҳлиллаш ва унинг асосий компонентларини ажратиб олиш ҳисобига умумий ва мажбурий предметлар ҳажмини қисқартирган (интеграциялашган) ҳолда фундаментал тайёргарликни чуқурлаштириш;

– таълимни, ўқувчилар ва ўқув меҳнатини индивидуаллаштириш – факультатив, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан индивидуал ишлаш ҳамда электив курслар сонини кўпайтириш (яъни мактаб компонентидаги соатларни кўпайтириш ҳисобига), индивидуал режа ва дастурларни ёйиш, ўқитиш шакли ва методларини танлашда ўқувчиларнинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олишга эришиш, шунингдек, мустақил ишлар ҳажмини ошириш;

– инсонийлик ва инсонпарварлаштириш – таълимнинг бошланғич босқичларида гуманитар, эстетика ва этика фанлари сонини ошириш, ўқувчилар маданий дунёқарашини кенгайтириш, уларда ижтимоий ўзаро таъсир кўникмаларини таркиб топтириш, инсонпарварлаштириш, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи шахсини ўз-ўзидан намоён этиш учун қулай имкониятларни яратиш, одамларга инсоний муносабатда бўлиш, жамият олдига жавобгарликни ҳис этиш;

– таълим муассасаларини компьютерлаштириш – ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янги русумдаги компьютерлар билан таъминлаш билан бирга уларнинг интернет тизимига уланиши, жорий, ойлик ва якуний статистик ҳисоботлар, йил якуни бўйича батафсил ёзилган ҳисоботлар, ижроси таъминланган топшириқлар матни, буйруқ, ҳайъат қарорларининг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотномалар, ўтказилган текширув якуни бўйича далолатномалар, маълумотномалар, тест, сўров, анкеталарнинг якуний натижалари ва хулосалари; расмий талабларга жавоблар, методбирлашмаларда олиб борилган ишларнинг таҳлиллари ва бошқа ахборотларни мактаб сайтига киритиб бориш ҳамда тегишли таълим органларига бериб боришда вақтни ва қўғозни тежашда катта аҳамият касб этади.

Бундай ҳолатлар ҳозирги таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ва уни амалга оширишда ўқитувчининг инновацион фаолият юритишида катта аҳамиятга эга. Ана шундай муҳит жараёнида ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъектига айланади. Ўқитувчи шу жараёнда субъект-субъект ҳамкорлигида ўқув-тарбиявий ишларни ижодий муҳитда олиб боради, сифат ва самарадорлик қафолатланади.

Назорат учун саволлар:

1. Инновацияни амалиётга татбиқ этишда педагогик тизим нима?
2. Инновацияни амалиётга татбиқ этишни такомиллаштиришда нималарни инобатга олинади?
3. Интенсив ва экстенсив усулларни мазмуни нимадан иборат?

4. Мактабларининг ривожланиши учун вужудга келган тенденциялар нимадан иборат?
5. Таълимни демократлаштириш деганда нимани тушунасиш?
6. Инсонийлик ва инсонпарварлаштириш деганда нимани тушунасиш?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Илғор иш тажрибаларини оммалаштириш (2 соат амалий машғулот)

Амалий машғулотдан мақсад: тингловчиларда таълим муассасасида илғор иш тажрибаларини оммалаштиришнинг илмий методик асослари ҳақида кўникмаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот кичик гуруҳларда турли интерфаол методлардан фойдаланилади.

1-гуруҳ учун топшириқ – илғор иш тажрибаларни ўрганиш режаси

2-гуруҳ учун топшириқ- илғор иш тажрибаларни оммалаштириш режаси

3-гуруҳ учун топшириқ - илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этиш босқичлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ

Илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш режаси

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчининг билим, кўникма ва малака самарадорлигини кўтаришда бир қатор методларни қўллаш, дидактик ва кўрсатмали воситалардан, аудио-видео материаллардан унумли фойдаланиш илғор тажрибани таркибий қисимлардан ҳисобланади.

Илғор тажриба ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодкор ва новаторларча ёндошиб, ўқувчиларга сифатли таълим беришнинг янги йўллариини излаб топишдир.

Илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мураккаб жараён ҳисобланиб, мақсади ёш авлодга таълим-тарбия беришда илмий асосланган, педагогик амалиётда синалган ғояларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишдир.

Оммалаштириш учун тавсия этилган илғор тажриба қуйидаги мезонларга жавоб бермоғи лозим:

- **1. Амалий аҳамияти ва долзарблиги:** оммавий равишда амалиётда тажрибадан ижодий қўллаш имкониятининг кенглиги;
- **2. Ишнинг натижавийлиги:** бир неча марта юқори натижага эришганлиги, турли шароитларда синовдан ўтказиб кўрилганлиги;
- **3. Тажрибанинг янгилиги:** амалдаги амалиётдаги методикага қўшган янги усул ва услублари, педагогик жараёнда инновацияларни кашф этишига таъсири, педагогика ва методика йўналишда эришилган натижалар мослиги;
- **4. Исботланганлиги:** ўқувчиларнинг ўқув дастурлардаги мавзулар бўйича билим кўникма ва малакаларни эгаллашдаги сифат кўрсаткичларини юқори натижавийлиги;
- **5. Барқарорлиги:** педагогик амалиётдаги зарурлиги, фаоллиги, истиқболлиги;
- **6. Оптималлиги:** минимал вақт, шароит ва воситаларда юқори натижага эришганлиги;

Илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этиш ўзаро узвий боғлиқда бўлган қуйидаги 5 босқичда амалга оширилади:

1-босқич: Илғор тажрибаларни аниқлаш	2-босқич: Илғор тажрибаларни ўрганиш
3-босқич: Илғор тажрибаларни умумлаштириш	4-босқич: Илғор тажрибаларни оммалаштириш
5-босқич: Илғор тажрибаларни тарғиботини ташкил этиш	

Илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этиш босқичлари

1-босқич: Илғор иш тажрибаларни аниқлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:


- ўқув-тарбия натижаларининг самараси мунтазам ва юқори даражада эканлиги;
- амалий аҳамияти ва долзарблиги;
- бошқарув фаолияти мазмунининг такомиллаштирилиши;
- педагогик амалиётда фаоллиги ва истиқболиги;
- янгилиги, амалиётдаги методикага қўшган янги усул ва услублари;
- педагогик жараёнда инновацияларни кашф этишга таъсири, педагогика ва методикадаги эришилган натижалар даврга мослиги;
- исботланганлиги, юқори натижавийлиги ва самарадорлиги;
- оммавий равишда амалиётда тажрибани ижодий қўллаш имконияти мавжудлиги;
- бутунлиги, тажриба ўқув жараёнининг қисми сифатида кўрилиши;
- истиқболлиги, илғор иш тажрибаларни ривожлантириш ва улардан амалиётда фойдаланиш истиқболларининг борлиги;
- барқарорлиги, бир неча марта юқори натижага эришганлиги, ҳар хил шароитда синаб кўрилганлиги;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги сифат кўрсаткичларининг юқори натижавийлиги ва илғор тажриба шахсни ривожланиш ва тарбияланиш даражасига йўналтирилганлиги;
- оптималлиги, минимал вақт, шароит ва воситаларда юқори натижага эришганлиги;

2-босқич: Илғор иш тажрибани ўрганиш данималарга эътиборни қаратиш лозим:

- таълим жараёнидаги таълим сифатини кўтариш бўйича муаммолар ечимини ақс эттирувчи тажрибани танлаши;
- аниқланган тажрибани узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур асосида таълимнинг бутун қўламини қамраб олган ҳолда ўрганиши;

- тажрибани ўрганиш жараёнига ўқитувчиларни имкон даражасида кўпроқ жалб этиш, уларнинг тақризлари, фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиниши;
- ўрганилаётган иш тажрибанинг муаммоларга таъсир қилувчи ва тузатувчи характерга эга эканлигини эътиборга олиниши;
- ўрганилаётган иш тажрибага илғор педагогик технологияларнинг самарали олиб кирилганлиги;
- ўқитувчининг уч йиллик фаолияти давомидаги ўқувчиларининг ўзлаштириш самарадорлик даражаси натижаларини таҳлил қилиши;
- фан олимпиада, билимлар беллашуви (туман, вилоят, Республика босқичидаги)ларидаги натижаларини аниқлаши.

1-расм



3-босқич: Илғор иш тажрибани умумлаштиришда (амалиётда фойдаланиш имкониятлари, тақдим этиладиган жойни ҳисобга олинган ҳолда) қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- ўқитувчи ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади;
- ўрганилган йўналиш бўйича ўқитувчининг амалга оширган ишлари тўплам ҳолатига келтирилади;
- ўқитувчининг илғор иш тажрибасига аниқ хулосалар қилинади;
- ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасидаги бажарган ишлари, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан мукаммал тавсиялар яратилади;
- илғор иш тажрибалар методбирлашма, методика кенгаши, педагогик кенгашларда, фан методика уюшмаси, вилоят Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари қарорларига алоҳида эътибор қаратилади;
- материаллар керакли миқдорда кўпайтирилади.

4-босқич: Илғор иш тажрибани оммалаштиришда қуйидаги шаклларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- педагогик кенгаш, методбирлашма йиғилишида, анжуманларда, педагогик ўқишларда сўзлаб бериш ёки “Маҳорат синфлар”ини ташкил этиш;
- илғор тажриба таянч мактабларида, семинарларда, ижодий гуруҳларда, малака ошириш курсларида маълумот бериш;
- кўргазмаларда панарама-дарсларида кўрсатиш;
- оммавий ахборот воситаларида мақолалар, тавсиялар шаклида бериш;

Назорат учун саволлар:

1. Оммалаштириш учун тавсия этилган илғор тажрибалар нималардан иборат?
2. Илғор иш тажрибаларни аниқлашнинг қандай мезонлари бор?
3. Илғор иш тажрибани умумлаштиришда қандай ишлар амалга оширилади?
4. Оммалаштиришда педагогика ва методика кенгашлари, методбирлашмаларнинг вазифалари нима?
5. Илғор иш тажрибалар қандай шаклларда оммалаштирилади?

2-мавзу: Педагогик технологияларини қўллашнинг асосий талаблари (2 соат амалий машғулот)

Амалий машғулотдан мақсад: тингловчиларда педагогик технологияларни қўллашга оид кўникмаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот кичик гуруҳларда турли интерфаол методлардан фойдаланилади.

1-гуруҳ учун топшириқ – илғор педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмининг амалга ошириш

2-гуруҳ учун топшириқ- ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Илғор педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш

Давлат ва жамият ҳаётини модернизациялаш жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи, Ўзбекистоннинг бугунги ва истиқболдаги изчил тараққиётининг бош омили бўлган инсоннинг маънавиятини ва касбий салоҳиятини юксалтиришда ўқитувчиларнинг тажрибаси ва маҳоратини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи бугунги кунда таълим ва тарбия бераётган шогирдларининг камолоти билан мамлакатимиз келажагига улкан пойдевор қўяди.

Демократик ҳуқуқий жамият қуриш жараёнида ўқитувчининг ўрни, вазифалари ёш авлодни тарбиялаш ишига жавобгарлиги муҳим аҳамиятга эга. Олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижалар беришини етук ва малакали мутахассислар таъминлайди. Уларни вояга етказиш, таълим–тарбия бериш, ўқитувчига юклатилган талабларнинг кун сайин ортиб бориши, уларни ҳал этиш вазифаси ўқитувчи меҳнатини илмий асосда тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Ҳозирги замон ўқитувчиси ўз педагогик меҳнати жараёнида қатор таълим–тарбиявий вазифаларни бажаради. У аввало таълим муассасалари ўқув жараёнининг асосий ташкилотчиси. Ўқитувчи таълим – тарбия жараёнида ҳамда дарсдан ташқари фаолиятда ўқувчиларнинг порлок келажаги учун жавобгар шахсдир. Ушбу улкан масъулият ижобий натижалар бериши учун ўқитувчи аввало ўзининг педагогик маҳоратига таянади. Педагогик маҳорат шундай бир малакалар йиғиндисидирки, унинг натижаси ўқитувчи меҳнатида ва ўқувчилар хулқи, одоби, тарбиясида, келажакда етук мутахассис кадр бўлиб етишишида ўз аксини топади.

Дарс ўтиш – педагогнинг ўқитиш мақсадларини (таълим бериш вазифаларини) амалга ошириш маълумот беришни таъминлаш, тарбиялаш, тушуниши, ва билимларни амалий қўллаш бўйича тартибга солинган фаолияти

Билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибаси асосида хулқи ва фаолиятида янги шакллари юзага келадиган, илгари эгалланганлари ўзгарадиган жараёндир.

Ўқитиш – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог ва ўқувчининг тартибли ўзаро ҳаракатларидир. Бу уларнинг биргаликдаги фаолияти икки томонламалик жараёнидир. Ўқитиш махсус ташкил этилган ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятлари, бу жараёнда илмий билимлари, зарур бўлган фаолият усуллари, атрофдаги борлиққа эмоционал қимматли ва

ижодий ёндашишлари шакллантирилади. Ўқитишда болани ривожлантириш амалга оширилади

Таълим – ўқитиш жараёнида эгалланган билимлари, малакаси, кўникмалари, фикрлаш усуллари системасидир;

Билим – фанни назарий эгаллашни гавдалантирувчи ғоялар тўплами. Ўқувчининг онгида атроф, борлиқ тушунчалари, схемалар, аниқ образлар кўринишида акс эттиришдир.

Малака – ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллаш усуллари (усул ва ҳаракатларини) эгаллай олиш.

Кўникмалар – юқори даража, мукамаллики, автоматлаштирилган малака

Мақсад – ўқитишнинг нимага интилаётгани, унинг уринишлари йўналтирилган

Мазмун – ўқитиш жараёнида ўқувчи эгаллаб олиши зарур бўлган илмий билимлар, амалий малака ва кўникмалар, фаолият ва фикрлаш усуллари системасидир.

Ташкил этиш – дидактик жараённи аниқ критерий(мезон)лар билан тартибга солиш, қўйилган мақсадни тўғри амалга ошириш учун унга зарур шакл беришдир.

Шакл – юнонча форма- ташқи кўриниш, қобик – ўқув жараёнининг мавжудлиги усули, унинг ички мантиғи. Шакл биринчи навбатда синфдаги ўқувчилар сони, ўқитиш жойи ва вақти, уни амалга ошириш тартиби ва шу кабилар билан боғлиқ.

Метод – ўқитиш мақсади ва вазифасига эришиш йўлидир.

Восита – ўқув жараёнини предметли таъминлашдир. Педагогнинг овози(нутқи), унинг малакаси кенг маънода, дарсликлар, синфдаги жиҳозлар...

Натижалар – ўқитиш нимага эришиши, ўқув жараёни оқибати, белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

Ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда таълимнинг асосий қисмлари таълим мақсадларини умумий белгилаш, умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш, ўқув амаллари мажмуи, таълим натижасини баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки бунда ўқувчининг ўқув машғулотларини ўрганиши, эсда сақлаб қолиши, тушуниб етиши, ўзлаштириши, исбот эта билиши, таҳлил этиши, қиёслаши, хулоса чиқариши, ҳаётга татбиқ эта билиши, боғлаши ўзаро ахборотни ижодий қайта ишлай олиши, янги билимларни эгаллаши каби хусусиятлар камол топади.

Ўқув жараёни тузилишида таълимнинг умумий мақсад ва мазмуни, ўқув мақсадлари, ўқиш — ўқитиш, баҳолаш кабиларга алоҳида аҳамият берилади. Бунинг учун педагогик технология тамойили асосида методик материалларни ишлаб чиқади.

Ўқув-тарбия жараёнининг ривожланиши муносабати билан таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим, гурухли технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар

Ўқитувчига қўйиладиган касбий талаблар мажмуи педагогик фаолиятга тайёрлик даражаси сифатида белгиланади. Биринчи томондан унинг таркибида психологик, психофизиологик ва жисмоний тайёргарликни, иккинчи томондан илмий-назарий ва амалий қобилиятларни касбий маҳорат асоси сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда ўқитувчи шахсига қўйиладиган касбий талабларни уч асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин: умуминсоний хусусиятлар, ўқитувчи касбининг алоҳида жиҳатларини белгиловчи хусусиятлар, фан бўйича махсус билимлар ва кўникмалар. Психологлар касбий фаолиятни асослашда шахсининг ақли, ҳиссиёти ва иродаси синтезини ўзида акс эттирувчи педагогик қобилиятлар гуруҳига мурожаат қиладилар. Педагогик қобилиятлар қаторига дидактик, лойиҳалай олишлик, истиқболни белгилай олишлик, тезкор натижага эришишлик, коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари киради. Шунингдек, у умуминсоний хусусиятлар, маънавий-психологик, ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик қобилиятлар, амалий билим ва кўникмалар яъни умумпедагогик (ахборот, ривожлантирувчи), умуммеҳнат (лойиҳалаш, ташкилотчилик), мустақил ташкил бўлувчи (билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш) хусусиятлар ўқитувчи шахсининг психологияси таркибида алоҳида ажралиб туриши керак.

Ўқитувчи – бу мазмуни фақатгина билимларни етказиш бўлган касб эмас, балки инсонни шахс сифатида шакллантиришдаги муҳим маъсулятли вазифани бажарувчидир. Шу билан бирга педагогик таълимнинг мақсади қуйидагиларни ўзида ифода этувчи янги типдаги ўқитувчи шахсининг ривожланиш жараёни сифатида намоён бўлиши мумкин:

- ватанпарварлик маъсулияти ва ижтимоий фаоллик;
- болаларга бўлган меҳр, уларга ўз юрагини баҳшида этишга бўлган талаб ва қобилият;

- ҳақиқий зиёлилик, руҳий маданият, ўзгалар билан ишлашга бўлган хоҳиш ва қобилият;
- юқори даражадаги касбий маҳорат, янги услубдаги илмий-педагогик фикрлаш, ижодий хулосаларни қабул қилиш ва янги ғояларга тайёрлик;
- доимий равишда ўз устида ишлашга бўлган эҳтиёж ва бунга тайёрлик;
- жисмоний ва руҳий соғлиқ, касбий билимдонлик ишонч;
- касбий компетенлик даражаларини ривожлантиришга интилиш;
- индивидуал сифат ва хислатларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ва.ҳ.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи шахсининг йўналтирилганлиги муҳим ўрин тутди. Бу борада ўқитувчи шахсининг ижтимоий-ахлоқий, касбий-педагогик ва илмий йўналтирилганлигини ифодаловчи хусусиятларни кўриб чиқиш мумкин.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган касбий талаблар касбий-педагогик йўналтирилганлик алоҳида ўрин эгаллайди. У ўзида ўқитувчи шахсининг асосий касбий хусусиятларини мужассам этади.

Ўқитувчи шахсининг касбий йўналишлари ўқитувчилик касбига бўлган қизиқиш, педагогик истеъдод, касбий педагогик иштиёқ қабиладан ўз ичига олади. Ўқитувчилик касбига бўлган қизиқиш педагогик йўналтирилганликнинг асоси ҳисобланилади, у педагогик фаолиятга, болаларга, ота-оналарга булган ижобий муносабатда, ҳамда педагогик билимларни эгаллашга бўлган интилишда ўз аксини топади. Педагогик истеъдод эса педагогик қизиқишдан фарқли равишда педагогик ишга бўлган қобилиятдан шаклланивчи иштиёқни англатади. Истеъдод мавжуд ёки мавжуд эмаслигини бўлажак ўқитувчини ўқув ёки реал касбий фаолиятга жалб қилиш орқали аниқлаш мумкин. Танланган фаолиятга бўлган истеъдод шахс ривожланиш жараёнининг муҳим омили бўлиб, шахсда ўқитувчилик фаолиятига яроқли эканлигига ишонч уйғотади.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчи касбий маҳорати назарий ва амалий педагогик тажриба тўпланиши натижасида шаклланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, махсус тайёргарликни ўташ вақтидаги камчиликлар бўлажак ўқитувчини касбий фаолиятга лаёқатсиз деб топишга сабаб бўла олмайди.

Педагогик истеъдоднинг асосини болаларга бўлган меҳр ташкил қилади. Бу хусусият мукамалликка элтувчи ва педагогнинг ривожланишидаги муҳим аҳамиятга эга хусусият ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий бурч ва мажбуриятни ҳис этган ҳолда ҳамкасблари, ота-онаси ва болалар билан ўзаро муносабати педагогик одобнинг асоси ҳисобланади.

Педагогик одоб кўп жиҳатдан педагогнинг шахсий хусусиятлари яъни дунёқараши, маданияти, иродаси ва касбий маҳоратига боғлиқ. Педагогик одоб ўқувчилар ва ўқитувчи орасида ишончли муносабатларнинг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қилади. Педагогик одоб ўқитувчининг эътибор ва адолатлилик муҳим бўлган назорат ва баҳолаш фаолиятида яққол намоён бўлади.

Замонавий ўқитувчи ўзи таълим бераётган турли соҳаларга оид фан имкониятлари ва асосларини яхши билиши лозим. Лекин бу камлик қилади. У доимий равишда илм соҳасидаги янгиликлар, кашфиётлар ҳамда фаннинг келгуси истиқболларидан хабардор бўлиши керак.

Билимга йўналтирилганликнинг умумий хусусияти илмий-педагогик тафаккур маданияти ҳисобланади. Педагогик муҳитга диалектик қараш ўқитувчига шу муҳитни келажак ва ўтмишнинг кураши оқибатида вужудга келувчи ривожланиш жараёни сифатида қабул қилишга ва ушбу жараёнга самарали таъсир этишга имконият яратади.

3-мавзу: Инновацион жараённи бошқариш (2 соат амалий машғулот)

Амалий машғулотдан мақсад: тингловчиларда инновацион жараённи бошқаришга оид кўникмаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот кичик гуруҳларда турли интерфаол методлардан фойдаланилади.

1-гуруҳ учун топшириқ – инновацион жараённи бошқаришнинг бирламчи вазифалари

2-гуруҳ учун топшириқ – инноватиканинг юксалиш босқичлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ

Инновацион жараённи бошқаришнинг вазифалари

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Кореянинг ривожланиш гарови бўлиб инсон омилини кучайтиришга қаратилган инвестициялаш, яъни инсон салоҳияти тараққиёти, хусусан аҳоли таълим даражасининг ошиши ва ёш кадрларнинг профессионал тайёргарлиги билан белгиланади. Мамлакат ва минтақаларнинг устувор иқтисодий ўсишини Жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Кореянинг ривожланиш гарови бўлиб инсон омилини кучайтиришга қаратилган инвестициялаш, яъни инсон салоҳияти тараққиёти, хусусан аҳоли

таълим даражасининг ошиши ва ёш кадрларнинг профессионал тайёргарлиги билан белгиланади.

Мамлакат ва минтақаларнинг устувор иқтисодий ўсишини Ўзбекистондаги ислохотлар истиқболи нафақат мамлакатдаги мавжуд барча тажриба, анъана ва кадриятлар, балки илғор халқаро хорижий тажрибадан фойдаланишга ҳам асосланган. Мамлакатимизда халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқиш, рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳани жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришда халқ таълими тизимида инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада асосий билим соҳалари бўйича электрон таълим ресурслари миллий тизимини яратиш, жаҳоннинг таълим ресурсларига кириш ва бу инфраструктурани такомиллаштириш, ўқув жараёнида жаҳоннинг ва миллий электрон таълим ресурсларидан ахборот коммуникация технологиялари орқали фойдаланиш, таълим муассасаларини моддий-техника базасини ва тармоқли инфратузилмани ривожлантириш муаммолари халқ таълими тизимида долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон қарор - сонли “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, халқ таълими тизимини ислох қилиш, таълимда янги педагогик ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлиги ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш вазифалари белигилаб берилган.

Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси директор ва унинг ўринбосарлари зиммасида улар раҳбарлик қилаётган ўқитувчи ва ўқувчиларни ягона жамоага айлантириш вазифаси туради. Бундай жамоани самарали инновацион жамоа деб аташ мумкин.

Самарали инновацион жамоа ўзининг вақт билан чекланган вазифасини тушуниши ва унинг бажарилиши учун бутунлай жавобгар бўлиши лозим. Жамоа аниқ жамоавийлик мезонларини ишлаб чиқиши лозим. Бу ўхшашлик асосан лойиҳа мақсади билан белгиланади. Лойиҳа деганда ҳар бир ўқув йили

учун бажарилиш шарт бўлган ишлар тушунилади. Жумладан, бундай лойиҳаларни яратиш унчалик мушкул эмас, сабаби мамлакатимизда таълим давлат даражасидаги сиёсатнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тузиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, мурожаатномада

4.5. Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда

204 банд: Барча ҳудудларда **Президент мактабларини** ташкил этиш.

205 банд: Ўқувчилар учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий таълим муассасаларини барпо этиш бўйича **«Замонавий мактаб» дастурини қабул қилиш.**

206 банд: Умумтаълим мактабларини жиҳозлаш тартиби ва уларга қўйилган талабларни такомиллаштириш.

207 банд: Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда **«маблағ ўқувчи ортидан» тамойили** асосида босқичма-босқич молиялаштириш тизимига ўтиш.

208 банд: Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш.

213 банд: Ўзбекистоннинг халқаро тадқиқотларда (PISA, TIMSS, PIRLS ва б.) иштирокини таъминлаш мақсадида **Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA)** билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

214 банд: Таълим муассасаларини **аккредитациялаш тизимини такомиллаштириш.**

215 банд: Узлуксиз таълим тизимида таълим муассасалари фаолияти самарадорлигига баҳо бериш ва уларнинг рейтингини босқичма-босқич эълон қилиб бориш.

218 банд: Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармасини ташкил этиш.

226 банд: Умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва илмий-ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб берилган.

Жамоавийлик ташқаридан йўналтирилган бўлиши лозим. Лойиҳанинг якуний натижасига диққатни қаратиш жамоани ташкилотнинг кенг қўламли стратегиясидан хавфли даражада ажралмаган ҳолда унинг мустаҳкамлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Ниҳоят, муваффақиятли инновацион жамоа

учун турли малакаларга эга бўлиши хосдир. Жамоанинг турли-туманлиги – бу унинг кучидир. У вазифаларни бажаришдаги кадрларнинг малакаси мужассамлигига қараб кучайиб боради. Жамоа ижодий, конструктив ва биргаликда фикрлай олиши лозим.

У ғоя ва маълумотлар билан алмашишга тайёр бўлиши, муаммоларни ҳал қилиш учун бирга ҳаракат қилиши ва шароитнинг ўзгаришига мослашиши лозим. Жамоа самарали мулоқот олиб бора олиши лозим. Инновацион гуруҳнинг фаолиятида корпоратив тушунишнинг “парадоксализми” муҳим роль ўйнайди. Унинг энг ёрқин кўринишларидан бири – бу ҳаттоки фаолиятнинг натижаларига қарамасдан гуруҳ ўзаро фаолиятига бўлган заруратга жамоавий тарзда ишонишидир. Инновацион жамоадаги ҳар бир аъзонинг индивидуал-психологик хусусиятлари (барча уч гуруҳда, лекин турли акцент билан) самарали инновацион фаолият учун керакли сифатлар мажмуига мос бўлиши лозим. Хусусан, бу интеллект, лидерлик, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олишлик, жавобгарлик (масъулиятни сезиш), қатъийлик каби сифатлардир. Инновацион жамоанинг самарали фаолиятига раҳбар катта таъсир кўрсатади. У ўзининг раҳбарлик қобилияти билан жамоанинг жипслигини мустаҳкамлаши, унга доимо лойиҳанинг мақсадлари ва уларни бажариш муҳимлиги ҳақида эслатиб туриши, унинг руҳини кўтариш ва энг юқори натижага йўналтириши лозим. Шу билан бирга авторитар ёки буйруқ-маъмурий усулдаги раҳбарликка йўл қўйилмайди. Чунки инновацион гуруҳ аъзосининг мақоми лавозим иерархиясида юқори поғона, маълумот даражаси билан эмас, балки илгари сурилаётган ғояларнинг қиммати, унинг ижодкорлик даражаси ва фикрлашдаги ўзгарувчанлик билан белгиланади. Инновацияларнинг яратувчиси доимо алоҳида индивид (шахс) бўлган. Бу ҳолатда биз инновацияларга бўлган қобилияти нуқтаи назаридан алоҳида шахснинг психологиясини кўриб чиқишимиз керак. Шунинг учун инновативлик психологиясининг асосий муаммоси шахснинг ижодий потенциалини психологик томондан ўрганиш механизмлари, шакллари ва усуллари назарий ва экспериментал равишда асослаб бериш ҳамда самарали инновацион фаолият учун психологик комфорт билан таъминлашдир.

Инновацион фаолиятга бўлган иқтидор ёки ижодкорлик қобилияти – бу фақат айрим одамлар эга бўлган туғма хусусият эканлигини фараз қилишимиз



мумкин. Бундан ташқари, шахснинг инновацион фаоллигига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, инновативлик психологиясида қуйидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилади: тажрибалироқ ишчилардан янги нарсаларга ориентация камроқ тажрибага эга ишчиларга кўра сустроқ. Айтиб ўтилганларни хулоса қилиб, шуни таъкидлашни истардикки, ижодкор-новатор учун хос бўлган характеристикаларнинг бир вақтдаги бирикмаси гомогенли (профессионал, демографик, жинс-ёш, таълим, миллий-маданий ёки конфессионал-этник ижодий гуруҳларга нисбатан фақатгина жуда кам сонли вакилларда кўзга ташланади. Одатда, гуруҳнинг умумий сонидан бу каби ижодкорларнинг улуши 10-12% гача бўлади. Бундан ташқари, бу каби ходимларни, одатда, бошқариш осон эмас ҳамда улар билан ишлашда муаммолар юзага келади.

Инновация – бу ижтимоий феномендир. У ўз ифодасини жамият ичида топади ва унинг юзага келиши учун биргаликда фаолият олиб бориш керак. Инновацион жараёни бошқаришда **раҳбарнинг бирламчи вазифалари** – педагогларнинг инновацияларга муносабатини аниқлаш, улар тўғрисидаги турли фикрларни йиғиш. Олимлар ва мутахассисларнинг танланма статистик маълумотларига кўра, янги ғояларнинг пайдо бўлиш босқичида педагогик жамоа аъзолари қуйидагича тақсимланадилар: сардорлар – 2–8%, ижобийчилар – 50–60%, аросатдагилар – 32%, салбийчилар – 10–15%. Янгиликларга мослашиш шахснинг ўзининг хусусиятлари: асаб фаолияти, рефлексия ва хавотирлик даражаси, креативлик, билиш даражаси, ўзини-ўзи баҳолаш ва шу кабиларга боғлиқ.

Шунинг учун инновацион жараёнларни бошқарувчиларнинг асосий вазифаси педагогларни салбийчилар ва аросатдагилар гуруҳидан фаолчилар гуруҳига ўтказишдан иборат. Ахир, ўқитувчи ёки тарбиячи ўз вазифасини яхши англасагина ўзини-ўзи аниқлаш, ифодалаш, ривожлантириш бошланади.

“Ўз” сўзидан бошлангандиган тушунча ва атамалар бирлашган тарзда педагогнинг онг, фаолият, мулоқотнинг фаол субъекти сифатида тавсифланади. Замонавий таълим муассасалари ўзларининг инновацион фаолиятлари натижасида педагог шахсини аниқлаш ва фаоллаштиришга йўналтирилган таълим тизимларини тузиш йўлига ўтиши ажабмас.

Инновацион жараёни бошқариш - жамоанинг ривожланишини бошқариш

Инновацион жараёнга ўтаётган жамоа, одатда, ривожланишнинг бир неча босқичидан ўтади: **қўрқув – бақироклик – барқарорлик – ҳамкорлик – етук жамоа**. Сўнгги иккита босқич – жамоа томонидан инновацион жараёни

англаш босқичи – ҳар бир шахсда рефлексиянинг барча босқичларининг ўтиши билан тавсифланади. Жамоанинг кўрқувлик босқичидан етук жамоа босқичигача ўсиши инновацион циклларнинг ўзгариш тезлигига боғлиқ (П. И. Третьяков).

Шу тариқа, ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарларнинг педагогик янгиликларга муносабати уларнинг касбий ривожланишининг қайси поғонасида туришига боғлиқ бўлади.

Инновацион жараёнлар самарадорлигининг маданиятга боғлиқлиги

Ҳар бир таълим муассасасида инновацион жараёнларнинг самарадорлиги жамоанинг маданий-таълимий даражаси ҳамда руҳий кайфиятига, мактабнинг ташкилий маданиятига боғлиқ.

Мактаб маданияти – педагогик жамоа аъзолари қабул қилган қонунлар, анъаналар, муносабатлар, тасаввурлар, қадриятлар, қоидалар, меъёрлар ва ҳ.к.лар тизимидир.

Ташкилий ишлар маданияти жамоа аъзоларининг ҳулқ-атворини, вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, ташқи таъсирларга муносабатни, ўзгарган вазиятларга, айниқса, мактабнинг инновацион фаолияти шароитида, муносабатнинг тезлиги ва усуллари тавсифлайди.

Мактабдаги ташкилий ишлар маданияти инновацион жараёнларнинг самарадорлигига қандай таъсир қилади? Турли маданий-ташкилий тавсифга эга бўлган педагогик жамоадаги ходимларнинг инновацион фаолиятини қандай фаоллаштириш мумкин?

1. Ролли (вазифалик) маданият – ташкилотнинг ҳар бир аъзоси томонидан лавозимлар мажбуриятлари йўриқномасида кўрсатилган вазифанинг аниқ бажарилишига йўналтирилган маданият. “Юқоридан кўрсатма”ни бажариш, педагогларнинг янги, аниқ белгиланган вазифани – “педагог-новатор” вазифасини бажариши учун кадрлашга олиб келадиган вазиятни вужудга келтирилиши инновацион фаолиятни белгиловчи омил бўлиши аниқ.

2. “Орден” маданияти – бошқарув ва кучга йўналтирилган маданият, унда расмий бошқариш ҳуқуқи ва норасмий нуфузга эга бўлган ташкилот раҳбари марказий шахс бўлиб ҳисобланади. Бу турдаги ташкилот, одатда, ўсиш ва ривожланишга йўналтирилган. Бугунги даврда айнан ушбу маданият доирасида инновацион ўқув муассасалари тез-тез вужудга келади ва ривожланади. Ташкилот қадриятларга, раҳбарнинг тасаввурлари ва кутилаётган натижаларига йўналтирилган экан, инновацион жараёнларнинг самарадорлиги унинг инновацияларга психологик ва назарий жиҳатдан тайёргарлигига боғлиқ бўлиши табиий.

3. Гуруҳли маданият – ҳамфикрлар гуруҳини тузишга йўналтирилган маданият. Унинг раҳбари ушбу гуруҳнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири бўлади. Бундай маданиятда, одатда, ташқи новациялар ёмон “сингдирилади”, унинг эвазига ўзларининг муаллифлик новациялари киритилиб, улар тезкорлик ва самарали ўзлаштирилиши мумкин.

4. “Юлдузлар” маданияти – педагогларнинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган маданият. Ушбу маданиятда раҳбарнинг асосий вазифаси ҳар бир педагогнинг ўзини очиши ва ривожлантириши учун қулай шароитларни яратиб бериш, уларни рағбатлантиришдан иборат бўлади. Айнан шундай маданият бошқарувнинг тўғри усуллари қўлланилишида муаллифлик таълим дастурлари, технологиялар – индивидуал дидактик; тарбиявий, методик-педагогик тизимларни тузишга имкон яратади.

Шундай қилиб, раҳбар томонидан бошқарув маданиятининг англаниши инновацион жараёнларни бошқаришнинг муқобил (мазкур таълим вазиятида аниқ педагогик жамоа учун қулай бўлган) стратегиясини белгилаб олишга шароит яратади.

Инноватиканинг юксалиш босқичлари

Маълумки, ҳар қандай таълим муассасаси ўзининг юксалиш жараёнида 3 та босқични босиб ўтади:

1) ривожланиш (таълим-тарбиянинг аввалги мазмуни янги мақсадлар, мактаб шароитлари, ўқувчи яратиш (янги мактаб ва янги жамоа шаклланган);

2) фаолият юритиш (ўқув-тарбия жараёни муқобил дастурлар, педагогик технологиялар, дарсликлар асосида ташкил этилган);

3) шахси ва жамият эҳтиёжларига қарама-қарши келади).

Иزلаниш тартиби бўйича фаолият юритаётган, ривожланаётган мактаб ўз фаолиятини қатъий равишда белгиланган тартиб бўйича амалга ошираётган мактаблардан анча фарқ қилади.

Фарқланишнинг ушбу белгилари мактаб бошқарувининг бутун тизимида яққол таъсир кўрсатади. Таълим муассасасининг одатдаги ишида ижобий натижа берган педагогик технологиялар инновацион тартиб билан ишлаш жараёнида қутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин.

Мактабда бошқарув объекти фақатгина таълим-тарбия жараёни эмас, балки методик жараён ҳам шу объектга киради. Ривожланаётган мактабда бошқарув предмети бўлиб, **унинг мақсадлари, мазмуни, услублари ва шакллари** намоён бўлади. Таълим муассасасининг муқобил тизимини яратиш раҳбардан бошқарувнинг инновацион йўналишларини билиш ва амалиётга жорий этишни (айниқса мактаб ички методик фаолиятида) талаб этади.

Тизимли ёндашув

Ҳар қандай таълим муассасасида методик, таълимий, инновация жараёнлари, худди методик, таълим-тарбия, тажриба-синов ишлари каби тизимли муносабатни талаб қилади.

Методик жараён – бу фаолият тизими, яъни раҳбар ва педагоглар таълим фаолиятининг изланиш, методик ва ўз устида ишлаш фаолияти билан биргаликда аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятдир. Бу жараён нафақат бошқарилади, балки ўзини-ўзи бошқаради. Бундай тизим яхлитлик хусусиятига эга, бирорта компонентни тизимдан олиб ташлаш ёки тизимга қўшиш (мақсад, мазмун ва ҳ. к.) баъзан бошқа тизимга айлантириб юборади, баъзан эса тизимни барбод қилади.

Методик иш –фан ва илғор тажрибанинг ютуқларига асосланган ўзаро боғлиқ яхлит тизим бўлиб, ҳар бир ўқитувчи касбий маҳоратининг ривожланиши ва ўзини-ўзи ривож-лантириши, умуман педагогик жамоани ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлардан иборат.

Методик ишнинг тизимлилиги қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, ишнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, иш шаклларининг педагог кадрлар билан мувофиқлиги;

иккинчидан, бошқарувнинг яхлитлиги – тизимнинг муҳим хусусияти (ахборот – таҳлил, мақсад – мотив, истиқболни режалаштириш, ташкилий – ижро, назорат – баҳолаш, тартибга солиш – коррекциялаш (тузатиш));

учинчидан, дастурий-мақсадли режалаштириш йўналишида тизимли ёндашув, яъни унинг бош талаби педагогик жамоани ҳамда таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш мақсадларини аниқ ифода этиш, янги босқичда иш якунларини ва эҳтиёжларни таҳлил этиш.

Реал методик жараённинг самарадорлигини **қузатиш, таҳлил этиш ва баҳолаш** – педагогик менежмент назариясида ҳам, амалиётида ҳам илмий асосда фаолиятни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Назорат учун саволлар:

1. Раҳбарнинг бирламчи вазифаларига нималар киради?
2. Инновацион жараёни бошқара туриб, жамоанинг ривожланишини қандай бошқарилади?
3. Ролли (вазифалик), “Орден” ва “Юлдузлар” маданиятлар нима мазмунни англатади?
4. Ривожланаётган мактабда бошқарув предметлари нимадан иборат?
5. Методик ишнинг тизимлилиги қандай белгиланади?

4-мавзу: Ўқувчида тадқиқотчиликни ривожлантириш технологияси (2 соат амалий машғулот)

Амалий машғулотдан мақсад: тингловчиларда таълим муассасасида ўқувчиларда тадқиқотчиликни риволантиришга оид билимларни ривожлантириш.

Амалий машғулот кичик гуруҳларда турли интерфаол методлардан фойдаланилади.

1-гуруҳ учун топшириқ – STEAM ёндашувининг ўзига хослиги

2-гуруҳ учун топшириқ- тадқиқотчилик таълимида ўқитишга ўзига хос ёндашув


АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ

STEAM ёндашувининг ўзига хослиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.09.2018 йилдаги ПФ-5538 Фармонида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси киритилиши ҳақида сўз боради. Бунда экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш; мактабларни, шу жумладан, ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш; уч ой муддатда ўқув режалари ва дастурларини оптималлаштириш, инновацион, шу жумладан, масофавий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараённинг самарадорлигини бутунлай оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини ошириш тартиби ва тизимини тубдан қайта кўриб чиқилиши белгиланган.

Шунга кўра, Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Президент мактаблари очилади. Улар STEAM фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади. STEAM — мактаб ўқувчиларини янги ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тизим ҳисобланади. У болаларни бир вақтнинг ўзида Science (табiiй фанлар), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) бўйича ўқитиш тизимига асосланган, бунда ўқувчилар амалий ва кўнгилочар лойиҳалар машғулотлари ёрдамида сабоқ оладилар.

STEAM атамаси илк бор АҚШда мактаб дастурига киритилган бўлиб, ўқувчиларнинг илмий техника йўналишларида компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган. Кейинчалик бу йўналиш кенгайтирилиб, атамага қўшимча ҳарфлар киритилди. Жумладан: “R”-robotic-робототехникани қўшиб, STEM- деб ёки “A”-art –санъатни қўшиб, **STEAM** деб атала бошланди.



STEAM (*S - фан, T - технология, E - муҳандислик, A - санъат, M - математика*) - илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани бирлаштирувчи замонавий ёндашув.

Бугунги давр талаби дунё таълими олдига катта вазифаларни қўймоқда, яъни болани келажакда жамиятда яшашга тайёрлаши керак. Бунда биринчи навбатда тез ўзгараётган, янгиланиб бораётган ахборотлар билан уйғун ҳолда фаол ишлайдиган касб эгалари тимсолини бугунги ўқувчи ёшларда шакллантириш лозим. *Ахборотни олиш, қайта ишлаш ва амалиётда фойдаланиш STEAM таълими дастурининг асосини ташкил этади.*

STEAM таълими технологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда унинг асосида билиш ва бадиий изланиш ётади. Бундай изланиш амалий фаолият жараёнида билимларни олиш, сўнгра улардан амалиётда қайта фойдаланиш, яъни ўйинларда конструкциялар тузиш, техник ижодиёт элементларини қўллаб, билим олишга оид тадқиқот ишларида амалга оширилади.

STEAM таълими ўқувчи ёшларнинг ривожланишини ташқи олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, табиий фанлар атрофимиздаги олам билан бевосита боғлиқ технология кундалик ҳаётимизда доимий равишда қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган, бирор бир касб, кундалик мағулотларимиз озми-кўпми математика фани билан ҳам боғлангандир.

STEAM таълими асосида ёндашув ўқувчи ёшларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантикий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни кашф қилишга имкон беради. Қандайдир янгиликни кутиш орқали ўқувчи ёшларда қизиқувчанликни ривожлантиради, ўзи учун қизиқарли масалани аниқлаб олишни, ечимини топишнинг алгоритимини

ишлаб чиқишни, натижаларни танқидий баҳолашни, фикрлашнинг муҳандислик жиҳатларини шакллантиришга олиб келади.

STEAM таълимининг афзалликлари:

1. Таълим беришни ўқув фанлари бўйича эмас, балки мавзулар бўйича интеграциялаб олиш керак.

STEAM таълимида фанлараро алоқа ва лойиҳалаш методи бирлаштирилган бўлиб, унинг асосида табиий фанларни технологияга, муҳандислик ижодиётига ва математикага интеграция қилиш ётади. Бунда муҳандислик билан боғлиқ касбларга бўлган тайёргарлик амалга оширилади.

2. Илмий –техник билимларни реал ҳаётда қўллаш. STEAM таълимида амалий машғулотлар ёрдамида болаларга илмий –техник билимларидан реал ҳаётда фойдаланиш намоёиш қилинади. Ҳар бир дарсда ўқувчилар замонавий индустрия моделларини ишлаб чиқади, қуради, ва моделини ривожлантиради. Улар аниқ лойиҳани ўрганади, натижада реал маҳсулотнинг прототипини яратадилар.

3. Танқидий тафаккур кўникмаларни ривожлантириш ва муаммоларни ечиш. STEAM дастури, болалар кундалик ҳаётларида дуч келадиган қийинчиликларни енгишга зарур бўладиган танқидий тафаккур ва муаммоларни ечиш кўникмаларни ривожлантиради. Масалан, болалар тез юрадиган машина моделини йиғишда, сўнгра уни синовдан ўтказишади.

4. Ўз кучига ишониш ҳиссининг ортиши. Болалар кўприк қуриш, машина ва самалиёт моделини ишга туширишда ҳар сафар мақсадига яқинлаша боришади. Ҳар бир синовдан сўнг моделини такомиллаштиришади. Охирида барча муаммоларни ўз кучлари билан енгиб, мақсадга эришади.

5. Фаол коммуникация ва жамоада ишлаш. STEAM дастури фаол коммуникация ва жамоада ишлаш билан фарқланади. Мулоқат даврида ўз фикрини баён қилиш ва баҳс-мунозара олиб бориш учун эркин муҳит вужудга келтирилади. Улар гапиришга ва тақдирот ўтказишга ўрганишади. Болалар доимо ўқитувчи ва синфдошлари билан мулоқатда бўлишади. Болалар жараёнда фаол қатнашсалар машғулотна яхши эслаб қоладилар.

6. Техник фанларга бўлган қизиқишларини ривожлантириш. Бошланғич таълимида STEAM таълимининг вазифаси, ўқувчиларни табиий ва техник фанларга бўлган қизиқишларини ривожлантиришдан иборат.



7. Лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув. STEAM таълими олти босқичдан иборат: савол (вазифа), муҳокама, дизайн, қуриш, синовдан ўтказиш ва ривожлантириш. Бу босқичлар тизимли лойиҳалаш ёндашувининг асоси ҳисобланади. Турли имкониятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ёки

биргаликда ишлатилиши ўз навбатида креативлик ва инновациянинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, фан ва технологиянинг биргаликда ўрганилиши кўпгина янги инновацион лойиҳаларни яратишга олиб келади.

8. Таълим ва карьера орасидаги кўприк. Турли ҳил боҳаланишларга кўра ҳозирги кунда талабгор энг кўп бўлган 10 мутахассисдан 9 тасида айнан STEAM билимлари зарур бўлади. Бундай касбларга: муҳандис-техник, муҳандис энергетиклар, компютер тизимлари аналитиклари, робототехниклар каби киради.

9. Ўқувчи ёшларни технологик инновацион ҳаётга тайёрлаш. STEAM таълим ўқувчи ёшларни технологик ривожланган дунёда яшашга тайёрлайди. Кейинги 60 йил давомида технологиялар жадал даражада ривожланади: Интернетнинг очилиши (1960), GPS технологиялар(1978)дан ДНКни сканерлашгача ва албатта Ipad (2001). Технологиялар бундан кейин ҳам ривожланишда давом этади ва STEAM кўникмалар бу ривожланишнинг асоси бўлади.

10. STEAM мактаб дастурларига қўшимча сифатида STEAM дастурлари 7-14 ёшдаги ўқувчиларнинг мустақил равишда ўтказиладиган машғулотларга қизиқишларини орттиради. Масалан, информатика ва ахборот технологиялари дарсларида бирор бир қурилманинг моделлаштириш ёки унинг ишлаш алгоритмини ўрганилганда доскада алгоритмик кема-кетликдаги дастурий моделини ёзиб тушинтирилса, STEAM тўғаракларида ракеталар, самолётлар, парашютлар қуриб, ишга тушириб, ўз билимларини мустаҳкамлайди. Ўқувчилар ўзлари кўрмаган ёки эшитмаган атамаларни ҳар доим ҳам тез англаб етмайдилар. STEAM машғулотларида улар қизиқарли экспериментларни ўтказганларида бу атамаларни осонгина тушуниб олишлари мумкин. Масалан оддий ҳаво шарида бажариладиган ракета билан тажриба ўтказиш мисолида қарайлик.



STEAM ёндашувининг ўзлаштиришга таъсири

STEAM ёндашувининг асосий ғояси: амалиёт назарий билим каби жуда муҳимдир. Яъни, ўрганиш вақтида биз нафақат мия, балки қўлларимиз билан ҳам ишлашимиз керак. Дарс вақтида билим олиш тез ўзгарувчан дунё билан мос келмайди. STEAM ёндашуви билан анъанавий ёндашув ўртасидаги асосий фарқ, болалар турли мавзуларни муваффақиятли ўрганиши учун уларнинг ақли ва қўлларини баравар ишлатишидир. Улар билимларни ўзлари учун “ўзлари” ўрганадилар.

Зехни (ақл, интеллект) нима? Ақл-идрок - мақсадга энг самарали тарзда эришиш мумкин бўлган, яъни вақт ва ресурсларни кам сарфлаш билан эришиш мумкин бўлган билишни ташкил этиш қобилияти. Мактаб ўқувчиларининг ақлий ривожланиши ва мазмунига замонавий нуқтаи назар когнитив тузилмалар ҳақидаги назарий ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у орқали инсон атроф муҳит ҳақида хулоса чиқаради, келадиган барча янги таассурот ва маълумотларни таҳлил ва синтез қилади. Улар қанчалик ривожланган бўлса, маълумот олиш, таҳлил қилиш ва синтезлаш имконияти шунчалик яхши тушунади, идрок этади.

STEM - STEAM - STREAM	Анъанавий ёндашув
Фанлараро интеграция ёндашувга асосланган ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти. Бу жараёнда ўқувчи ва ўқитувчи ижодий фикр юритади	Ўқувчи ва ўқитувчи битта фан юзасидаги фикрлайди, натижада тарқоқ билим юзага келади
Қўйилган муаммо ва саволларга жавоб топиш учун изланишга мажбур қилади	Жавоблар тайёр билим берилганлиги сабабли оддий тарзда юзага келади, билим ўқитувчидан ўқувчига берилади
Ўқитиш артефакт (инсон томонидан яратилган объект) ва ҳодисаларга асосланиб амалга оширилади. Контекст келажак билан боғлиқлиги учун у бугун қизиқарли ва муҳимдир.	Режа ва дарслик асосида мавзулар бўйича ўтказилади, келажакда керак бўлиб қолиши айтиб ўтилади.
Ўқувчининг ўқитувчи ва лойиҳадаги бошқа катнашчилар билан ҳамкорликдаги тадқиқоти. Ҳамкорлик кўникмалари шаклланади.	Ўқувчи нима учун кераклигини билмаган ҳолда топшириқларни индивидуал бажаради.
Энг муҳими фаолият жараёнида олинган маҳсулотдир.	Фаолият маҳсулоти белгиланмаган. Натижанинг балл тарзидаги баҳоси муҳим
Маҳсулотни баҳолаш вазифалари ва мезонлари ҳамкорликда ишлаш натижасида юзага келади	Дарсликда тўғри жавоблар мавжуд
Лойиҳада режалаштириш ва ўзини ўзи назорат қилиш	Ўқитувчи таълим вазифаларини бажаришнинг тўғрилигини назорат қилади ва баҳолайди

STEAM ёндашуви нафақат ўрганиш, балки фикрлаш усули ҳамдир

STEAM таълим муҳитида болалар билимга эга бўлиб, шу билимдан фойдаланишни дарҳол ўрганадилар. Шунинг учун улар ўсиб, ҳақиқий дунёда исталган ҳаёт муаммосига дуч келганда, бу хоҳ ифлосланиш ёки иқлимнинг глобал ўзгариши бўлсин, бундай мураккаб масалаларни фақат тури фанлардан олган билимларга таяниш ва биргаликда ишлаш орқали ҳал қилиш мумкинлигини тушунадилар. Фақат битта фандан олинган билимга таяниш етарли эмас.

STEAM ёндашуви ўрганиш ва таълимга бўлган муносабатимизни ўзгартиради

Ўқувчилар амалий кўникмаларга эътибор қаратиш орқали иродасини, ижодкорлигини, мослашувчанлигини ривожлантиради ва бошқалар билан ҳамкорлик қилишни ўрганади. Ушбу кўникмалар ва билимлар асосий таълим вазифасини ташкил этади, яъни таълим тизимининг бош мақсади ҳисобланади.

STEAM ўқувчиларда қуйидаги муҳим хусусиятлар ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради

Муаммоларни кенг қамровли тушуниш

Ижодий фикрлаш

Муҳандислик ёндашув

Танқидий фикрлаш

Илмий методларни тушуниш ва қўллаш

Дизайн асосларини тушуниш

Ўқитувчиларнинг иш услубларининг бир хиллиги ўқувчилар орасида қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Педагогикада муаммоли вазиятларни моделлаштириш янгилик эмас. Бу усул дастлаб Қадимги Грецияда қўлланилган. Муаммоли вазият, одатда, шахсга маълум бўлган воситалар ёки усуллар орқали эриша олмайдиган интеллектуал қийинчилик деб талқин этилади. Кутилмаган қийинчилик мустақил қидирув ишларини олиб боришга ундайди. Умумий ҳолда, муаммога асосланган таълим ностандарт ҳаракатларни, “билимларни ўзлаштиришнинг репродуктив даражасидан ижодий қидирув ишларига ўтиш” ни тақозо этади.

Тадқиқотчилик таълимида ўқитишга ўзига хос ёндашув

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишдан мақсад:

- ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятига ўргатиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларни ўқув дастуридан ташқари бўлган янги билим олишга қизиқтириш;
- ижодкорлик ва кашфиёт яратишни ўзига хос томонларини ўргатиш;
- ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллашларига эришиш;
- уларнинг меъёрий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тегишли қонунлар, ҳар бир фан бўйича яратилган концепция, давлат таълим стандартлари ва ҳ.к.), ўқув адабиётлари, бадий-илмий асарлар, амалий материаллар, статистик маълумотлардан фойдаланишга ўргатиш;

- замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, асосий компьютер дастурлари билан ишлаш лаёқатларини таркиб топтириш ҳамда интернет ахборот тизимидан фойдаланишга ўргатиш;

- йиғилишларда яратаётган илмий мақолалари билан чиқиш (тақдимот) қилиш, ўз фикрини билдириш, тингловчиларга ўз фикрини етказа билиш ва уқтира олиш, фикрларини асослаш, ўз фикрларини аудитория билан ўртоқлашишга ўргатиш.

Ўқитувчи эгаллаши зарур бўлган малакалар:

- муаммоли вазият яратиш (тақдимот қоидалари билан таништириш)
- йўналиш бериш
- фаоллаштириш
- кузатиш, назорат қилиш
- халақит бермаслик
- тақдимотни ўтказиш
- таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулоса
- ўқувчилар билимини баҳолаш
- рағбатлантириш
- ўз ўқув предметини чуқур ва атрофлича билиши керак, махсус илмий, методик адабиётларни доимий равишда ўқиб бориши керак;
- фан янгиликларидан бохабар бўлиши, уларга қизиқиши ва машғулотларда шундай маълумотлардан фойдаланиши лозим;
- илмий-педагогик вазифаларни ҳал этишга янгича ёндашиши керак.

Ўқитувчи бажариши зарур бўлган фаолият:

- тадқиқот мавзусини танлаши, асослаши (мавзу муайян ўқувчилар, ҳудуд ва ҳаттоки бутун мамлакат доирасида аҳамиятли бўлиши мумкин);
- тадқиқот ўтказиш учун манбалар йиғиши (танлаши): адабиётлар ва статистик маълумотларни аниқлаши, анкеталар тузиши, интернет-ресурслар билан ишлаши;
- ўқувчиларни турли маълумот ва ахборотлар орасидан тадқиқот учун керакли материални ажратиб олишга ўргатиши;
- инноватикани қўллаши – ўқувчиларнинг камроқ куч ва воситаларни сарфлаб натижага эришишлари учун янги технология, метод, усулларни излаши;
- тадқиқот босқичларини аниқлаши, уларнинг ҳар бирини ўз вақтида баҳолаб бориши, ўқувчилар фаолиятини коррекциялаши;

- илмий ишларининг натижали бўлишини прогноз қилиши, уларнинг амалиётда қўлланилиш имкониятини белгилаши;

- тадқиқотнинг етакчи ғояларини ажратиши, таҳлил қилиши, танқидий баҳолаши.

Ўқувчиларда шаклланадиган кўникма ва малакалар

- баҳс-мунозараларда иштирок этиш;
- ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва ҳимоя қилиш;
- турли манбалардан материал йиғиш;
- фаоллик;
- муаммо юзасидан саволлар бериш ва жавоб қайтариш;
- ўрганилаётган материалга нисбатан ўз фикрини билдириш;
- ахборот ва маълумотлар йиғишда мустақил бўлиш;
- танқидий фикрлаш.

Тадқиқотчилик технологияси туркумига кирувчи элементлар

- Фаол қўлланиладиган методлар: Ўйла, изла, топ.
- Ечимлар дарахти
- Оқибатлар методи
- “Топ ва текшир”
- “Зинама-зина” методи
- “Сизнинг тасаввурингизда...”
- “Тушунчалар таҳлили”, “Синквейн”
- “Тез юрар поезд”(“Блиц-сўров”)
- Мунозара методи
- Кейс-стади методи ва бошқалар

Назорат учун саволлар:

1. Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишдан мақсад нима?
2. Ўқитувчи эгаллаши зарур бўлган малакалар нимадан иборат?
3. Тадқиқотчилик технологияси туркумига кирувчи қандай элементлар мавжуд?

5-мавзу: Интерфаол таълимдан фойдаланиш омиллари (2 соат амалий машғулот)

Амалий машғулотдан мақсад: тингловчиларда интерфаол таълимга оид билимларни ривожлантириш.

Амалий машғулот фронтал усулдан фойдаланилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ

Жахон ҳамжамияти, биринчи навбатда илм аҳли инсоният тараққиёти, жамият ривожини йўлидаги барча соҳаларни жадал ривожлантириш ва келажак авлодларга бой табиий мерос қолдиришга қаратилган эътиборни тобора кучайтирмоқда.

Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришаётган ютуқларидаги асосий омиллардан бири – бу халқаро ҳамжамият билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосига ўрнатилган таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш натижасидир. Бундай натижаларга эришиш учун таълим сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзини ижобий самарасини бериб келмоқда. Бинобарин, бундай фаолиятни ташкил этиш бугунги даврнинг долзарб масаласига айланган.

Узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог ўқитувчиларнинг замонавий таълим технологиялари моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллаш олишлари, шунингдек, таълим жараёнида ташкил этишда нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши ҳар томонлама ривожланган маънавий-баркамол ёшларни тарбиялаб уларни рақобатбардош, етук мутахассислар бўлиб етиштиришга замин яратди. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим тизими амалиётида интерфаол таълимларидан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Давлатимиз томонидан янги мактаблар қурилиши, минглаб мактабларни янгитдан реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Мактабларни янги жиҳоз, асбоб-ускуналар, такомиллаштирилган дастурлар, модернизация қилинган, тажриба-синовдан ўтган стандартлар, дарсликларнинг янги авлоди билан (ижара тариқасида) таъминлаш, компьютерлаштириш давлат дастурлари асосида изчил амалга оширилмоқда. Ўқув жараёнини янгиланган дастур ва стандарт талабларига жавоб берадиган замонавий дарслар асосида ташкил этиш даври келди. Бошқача қилиб айтганда зерикарли дарслар ўрнига дарсларни ташкил этишга маъсулият билан ёндашадиган, касбий билимдонлик, методик маҳоратга эга, маъсулиятли, замонавий, интерфаол педагогик технологияни мукаммал ўзлаштириб олган, инновациялар асосида таълимни ташкил эта оладиган ўқитувчиларга талаб ошиб бормоқда.

Ҳозирда янги методларни ёки инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ҳақида тўхталганда интерфаол усулларнинг ўқув жараёнида қўлланиши тушунилади.

Интерфаоллик – бу ўзаро икки киши фаоллиги, яъни, бунда ўқув- билув жараёни ўзаро суҳбат тариқасида диалог шаклида (компьютер ёрдамида) ёки ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосан кечади. Интерфаоллик ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади: ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол, эркин фикр юритишига муҳит яратишидир. Интерфаоллик асосида дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчилар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билиш, ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самимийликни тامينлайди, янги билимлар олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта. Демак, интерфаол дарсларни ташкил қилишда ўқув жараёнида яқка тартибда ва жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, ролли ўйинлар, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин.

Интерфаол усуллар нималарни ўз ичига олади? Ҳозирги кунда қуйидаги интерфаол усулнинг шакллари амалда қўлланилмоқда.

Интерфаол усулларнинг шакллари:

- Жуфтликда ишлаш;
- Карусель;
- Кичик гуруҳларда ишлаш;
- Аквариум;
- Туганланмаган гаплар;
- Ақлий ҳужум;
- Дарахт ечими;
- Ўз номидан сўзлайман;
- Фуқаролар эшитуви;
- Ролли ўйинлар;
- Мунозара;
- Дебатлар.

Юқоридагилардан фойдаланишда аниқ мақсадни кўзда тутиб, муаммони келтириб, ўқувчиларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаб, уни маълум малакаларга эга бўлган ҳолатларда қўлланилса кутилган натижаларни олиш мумкин.

Интерфаол ўқитишда ўқитиш муҳитини ташкил этилади, қулай муҳит яратилади, яхши ташкил этилган ўқитиш муҳити:

- ўқиш ва тадқиқотларга кўмаклашади;
- турли тадқиқотлар олиб бориш учун материалларга эга булади;
- ижодкорлик қобилиятига рағбат беради;
- фикрлар ва ахборотлар алмашувига имкон яратади;
- маълумотларни мустақил олиш кўникмаларини шакллантиради;
- узлуксиз таълим олиш кўникмаларини ривожлантиради.

Демак, таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ўқувчининг ўқув мазмунини ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил мутолаа билан самарали шуғулланиши, мустақил фикр юритиши ва тафаккур фаолияти билан боғлиқ. Интерфаол методларда дарс жараёнини олиб боришда ўқувчиларда қуйидаги хусусиятларнинг ривожланишини кўрсатиш мумкин.

Ўқувчи ўқитилмайди, уни мустақил ўқиш, ўрганиш, ишлашга ўргатилади. Бунда ўқувчилар мустақил равишда таҳлил қилиш орқали ўзлаштиришга, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хулосалар асосида эркин фикр юритишга ўргатилади. Ўқувчиларда ёд фикрларга қарши фикр юрита олиш, ўз позициясини ҳимоя қила олиш кўникмалари шакллантирилади.

Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмасдан, билимларни дарсликлардан, интернетдан, турли бошқа манбалардан излаш, топиш, қайта ишлаш орқали унинг билим олиш малакаси шакллантирилади. Олган билимлари орқали ижодий мушоҳада юритиш имконияти яратилади. Ўқувчини дарсликлар билан ишлаш, ўқиш, ўрганиш, конспект ёзиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мустақил ўзлаштириш кўникмаларини эгаллашга ўргатилади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир.

Бугунги кунда бир қатор мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим тарбия жараёнини самарадорлигини кафолатловчи интерфаол методларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан киритилмоқда.

Интерфаол асосида дарс жараёнини ташкил этилганда:

1. Ўқувчининг ўзаро фаоллиги ошади, ҳамкорлик, ижодкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади.

2. Ўқув, режа, дастур, дарслик, стандарт, меъёр, қўлланмалар, мавзу мазмуни билан ишлаш малакалари шаклланади.

3. Таълим мазмунини, маърузасини мустақил мутоола қилиш, ишлаш, ўзлаштириш кундалик шахсий ишларига айланади.

4. Ўқувчи эркин фикр билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, исботлай олиш, тасдиқлай олишга одатланади.

5. Энг муҳими ўқув жараёнида дидактик мотивлар вужудга келади. Яъни, ўқувчининг эҳтиёжи, хоҳиш-истаги қондирилади.

Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг манфаатдорлиги ошади. Бу ҳолат ўқувчини ўқув мақсадларига эришишда юқори босқичга кўтаради. Дарсни интерфаол методларда ташкил этишнинг қандай афзалликлари мавжуд. Ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади. “Ўз вақтида ўқувчи-ўқитувчи - ўқувчилар орасида таълимий алоқалар ўрнатади”.

Ўқитиш усуллари таълим жараёнида турли хил кўринишларда кечади. Ўқув жараёнида ўқув эҳтиёжини қондириш билан биргаликда юқори мотивацияга эга бўлади. Ўқувчиларда ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши ўзлаштирилади. Ўқувчида ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашилиш кўникмалари шаклланади.

Ўқув жараёнида – ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади. Ўқувчи учун дарс қизиқарли ва мазмунли ўқитилаётган фанга айланади, ўқиш жараёнига ижодий ва мустақил ёндашишга ҳаракат қилади ва ҳар бир дақиқани ғанимат деб билади.

Муҳими ўқувчиларда:

- ўқув меҳнатига ўзида хоҳиш-истак уйғота олишга;
- ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга;
- айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишга

кўникмалари шаклланади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика ва дидактика фанлари олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардандир.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

Кўчма машғулот. Педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш (4 соат)

Машғулотнинг мақсади: Педагогик технологиядан самарали фойдаланиш механизмини амалга ошириш йўллари билан таништириш.

Ўқув фаолияти-бу кенг маънода инсон фаолиятининг муайян мақсадлар йўналишида намоён бўлишидир. Бу фаолият фақат инсоният жамиятида амалга оширилиши сабабли, у нафақат ҳар бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Ўқув фаолияти-бу инсонда муваффақиятли меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида уни ўқитиш ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолиятдир. Ушбу жараённинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билимлар, малака ва кўникмалар шаклида ўзгартириш ҳамда уни ўсиб келаётган авлодга беришдан иборат. Ўқув фаолияти инсоннинг индивидуал ривожланиши билан узвий боғлиқ ва унинг ҳамма фазалардабололикдан бошлаб, то улғайган давригача мавжуд бўлади. Шунинг учун тарихий ижтимоий ҳодиса ҳисобланмиш ўқув жараёни ўз ривожланиш тарихига эга.

Ўқув фаолиятининг айнан бу томонини таълим бериш жараёни тушунчаси билан белгилаймиз. Ўқув жараёни деганда-ўқув фаолияти, тор маънода, бир мақсадга йўналтирилган таълим бериш сифатида тушунилади.

Бу ўқув фаолиятини асосий томони ҳисобланади. Лекин у ўқув фаолиятининг мазмунини тўлалигича ёритмайди. Ўқув фаолияти таркибига кенг маънода, таълим беришдан ташқари, яна бир энг муҳим ва маъсулиятли жараёнтарбия киради. У ўқув фаолиятининг ажралмас қисми бўла туриб, ўқувчилардан бир қатор зарур ижтимоий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади ва тарбия иккита ўзаро боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Уларда ўқув фаолиятининг иккита вазифаси-таълим бериш ва тарбиялаш вазифалари муайянлаштирилади. Иккала жараён ҳам бир-биридан фарқли равишда ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлишига қарамасдан, улар моҳияти жиҳатидан битта ижтимоий маслак-жамият аъзоларининг комиллигини таъминлашга хизмат қилади

Янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлар ва маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш, улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш, илмий ва илмий-методик ишларда, шунингдек, ўқув-

тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг кенг жорий этилишига эришиш, таълим тизимини зарур ахборот воситалари билан етарли даражада таъминлаш, таълим муассасаларини коммуникацион тармоқларга боғлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади.

Хуллас, педагогик технология-ўқитиш жараёнларини оптимал ташкил этишдир. Ўқув материалларини танлаш, қайта ишлаб ўқувчи ёки талабаларнинг кучига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакл ва ҳажминини ўзгартириш ҳам таълим технологиясига дахлдор.

Педагогик технология-ўз навбатида таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари ва диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир, яъни фан ва техника янгиликларини ўзида мужассамлаштирадиган ўқув жараёнидир.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ўз ижодкорлик сифатларини шакллантиришга интилишида, педагогик одобининг намоён бўлишида, қобилияти ва касбий малакасини такомиллаштиришида, кутилмаган вазиятларда топқирлик қила олишида, ўқувчи-талабаларни комиллик сари моҳирлик билан етаклай олишида кўринади.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларни ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчи иқтидорли ҳисобланади. Педагогик ижодиёт-ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимларни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш буйича ижодий ишининг касбий, махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижасида янгиликнинг асосий намоён бўлиш шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларнинг ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усуллариининг методик ва назарий жиҳатдан мукамал ишлаб чиқилиши, ихтиро этилиши ва такомиллашуви ҳамда улардан самарали фойдаланишда кўринади. Янги таълим тизими мазмунига ўтмишнинг қимматбаҳо маънавий қадриятларини киритиш ва унутилаётган ёки тақиқланган баъзи бирларини қайта тиклашдан мақсад ўтмиш олдида эгилиш эмас, балки унга таяниб, ижодий фойдаланган ҳолда ривожланишнинг янги поғонасига чиқиш демакдир.

Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш, уларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш керак. Ўқув-тарбия жараёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил

этиш муваффақиятлар гаровидир. Бунда барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Машҳур инглиз адиби Ж.Бернард Шоу топиб айтганидек, “-Билимга элтувчи ягона йўл, бу-фаолиятдир.” Ана шундай фаолиятнинг ўқувчи ва ўқитувчи меҳнати кўринишидаги турлари омихталашганида кутилганидан зиёдароқ натижага эришиш мумкин бўлади. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, улар қандай кўринишда (анъанавий ёки ноанъанавий дарслар, синфдан ва мактабдан ташқари ўқув-тарбия тадбирлари, маъруза ёки амалий машғулотлар) ташкил этилишидан қатъий назар, илмий-назарий, илмийметодик ва маърифий-маънавий жиҳатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак педагогик самарани бериши мумкин. Бунда, албатта, билим олувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари, кизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинадиган машғулотлар кўзда тутилади. Бунинг учун эса таълим ва тарбия берувчининг мукамаллик даражасидаги педагогик маҳорати ва касбий салоҳияти талаб қилинади.

Ўт-далали алмашлаб экишни деҳқончилик маданиятига дунё амалиётида биринчи бўлиб тавсия этган таниқли тупроқшунос олим Р.Вильямснинг “-Ёмон ер йўқ, балки ундан ҳосил ундириш йўлини билмайдиган уқувсиз деҳқонлар бор”, деган пурҳикмат иборасига педагогик ўзгариш киритиб айтадиган бўлсак, “-Ёмон ўқувчи(билим олувчи) йўқ, балки унга ўқиш-ўрганишнинг мақбул йўлини кўрсата олмайдиган ношуд ўқитувчи(педагог.тарбиячи)ларгина бор”. Кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди. Билимсизда методик маҳорат бўлишига ишониб бўлмаганидек, буларнинг ҳар иккисига эга бўла туриб, одамийликдан беҳабар шахснинг ҳам ўқитувчилигидан не фойда? Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат ҳам юқорида тилга олинган учликнинг тугаллигисиз схоластика ботқоғига ботиб тураверади

Таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлиги-жуда кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу борада ягона ва қудратли тавсия ёки йўл-йўриқ бериб бўлмайди. Ҳаттоки, замонавий педагогик ёки ахборат-коммуникация технологияларидан ҳам фойдалана билишнинг ўзига хос ва ўзига мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак. Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам

Ўқитишнинг минг (балки, миллион) йиллик анъана ва тажрибалари, тўпланган улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим. Эски ва янгининг ўзаро муносабати, базис ва усткурманинг мутаносиблиги, анъана ва ташаббуснинг келишувчанлик тамойилларини унутмаслик керак. Ўқитувчи(педагог)нинг меҳнатига фақат унинг тасарруфидаги шахсларнинг уқув, кўникма, малака ва билим сифатига қараб баҳо берилиши лозим. Ҳа, айнан билим сифатига (билим даражаси ҳам эмас, кўйилган рейтинг баллари ҳам эмас, ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам эмас!) қараб баҳолаш одилона иш бўлади

Бошқача айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти-таълим жараёнига тизимли ёндашув ва ранг-баранг педагогик фаолиятдан иборат хизмат кўрсатиш саналади. Айни даврда замонавий педагогик технология – тизимли ёндашувлар асосида ўқитишнинг шакллари қулайлаштириш, унинг натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун зарур бўлган инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини намоиш қилади. Таълим мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул, метод ва воситаларларни хилма-хиллаш, таълим ва тарбия жараёнлари мазмунини чуқурлаштириш-булар ҳаммаси таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш демакдир. Ваҳоланки, такомиллаштиришнинг чегараси, яъни охири йўқ, дейилади. Шундай бўлгач, педагогик технологиялар ҳам, педагогик маҳорат ҳам сарҳадсиз тушунчалардир. Бу борада қанча кўп изланилса ва қанчалик ташаббускорлик бўлса-шунчалик камдек туюлаверади. Ўқитишнинг энг оддий ва бош ҳақиқати ҳам ана шундадир. Ўқитувчи(педагог)ларнинг фақат ана шу тахлитдаги фаолияти охир-оқибатда юксак ижтимоий буюртманинг бажарилишига олиб келади.

A decorative graphic consisting of two large, dark blue brackets, one on the left and one on the right, framing the central text.

КЕЙСЛАР ТҰПЛАМИ

Педагогик фаолият, ходиса ёки жараён моҳиятини тушуниш ҳолатини белгилашга хизмат қиладиган кейс.

Кейс баёни. Узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда талабалар ўртасида алоҳида ҳурматга эга тарих фани ўқитувчи аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини кўради. Карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда кулгили чиққан. Бутун гуруҳ ўқитувчининг карикатурага, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. Бироқ, ўқитувчи шошилмасдан, катта қизиқиш билан карикатурани томоша қиладди ва шундай деди: “Карикатура шунчалик яхши чиқибдики, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. Расм ижодкори – ёш рассом уни қоғозга кўчириб олиши керак. Мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”.

Кейс саволлари:

1. Ўқитувчининг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз?

2. Бу вазиятда ўқитувчи қандай тарбия методини қўллади?

Кейс ечими. Бу вазиятда ўқитувчи ўзининг таржибали ва педагогик назокатга эгаллигини намоянча этди. У карикатурани ўзининг устидан кулиш воситаси деб эмас, аксинча, санъат асари сифатида қабул қилди. Натижада ўқитувчи айбдор талабани қидириб, унга танбеҳ беришни истамади. Бунинг ўрнига ўзининг санъатга бўлган муҳаббатини кўрсатди. Бундай ёндашув талабаларга ўқитувчининг иродали, ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ҳиссиётларини жиловлай олиш, ўз-ўзини бошқара билиш қобилиятига эгаллигини кўрсатди. Оқибатда ўқувчилар ўқитувчининг руҳан барқарор эканликларини англади. Шу сабабли кейинги сафар улар ўқитувчини камситиш ёки устидан кулишни исташмайди. Баён этилган вазиятда ўқитувчи: 1) изоҳлаш (ўзида муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифодаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули); 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – қўллаб-қувватлаш методидан фойдаланди.

Таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ходисаларнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш ҳамда таҳлил қилишга йўналтирилган кейс.

Кейс баёни. Тарих фани ўқитувчиси бир соатлик дарсида қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширди: 1) маълумотларни изчил баён қилди; 2) зарур ўринларда таянч тушунчаларга алоҳида урғу берди; 3) харитадан тарихий воқеалар содир бўлган жойларни кўрсатди; 4) вақти-вақти билан талабаларга саволлар бериб, улардан жавоблар олди; 5) ўқув фильми орқали тарихий воқеликка оид далилларни намоиш этди.

Кейс топшириғи. Ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари қандай методлар ёрдамида амалга оширилганлигини аниқланг.

Кейс ечими. Тарих фани ўқитувчиси қўллаган методлар: 1) ҳикоя;

- 2) тушунтириш;
- 3) тасвирлаш;
- 4) суҳбат;
- 5) намоёиш.

Таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисанинг таркибий элементларини тизимлаштириш, синтезлаш, босқичларни изчил ифодалашни тақозо этадиган кейс.

Кейс баёни. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:

- 1) ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув ҳаракатининг;
- 2) зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши;
- 3) дастлабки бажарилиши ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- 4) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши. Ушбу ҳолатда машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари нотўғри кўрсатилган.

Кейс топшириғи. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичларини зарур изчилликда ифодаланг.

Кейс ечими. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:


- 1) ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- 2) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши;
- 3) ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши;
- 4) зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши.

Педагогик билимларни амалда қўллаш, мавжуд кўникма ва малакаларни тўлақонли намоён этишга доир кейс.

Кейс баёни. Оғзаки баён қилиш методлари талабаларнинг умумий маданияти, мантикий фикрлаш ва билиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кейс топшириғи. Оғзаки баён қилиш методи турларини “Балиқ скелети” график органайзерида ифодаланг

Кейс ечими





ГЛОССАРИЙ

Адаптация – шахснинг нимагадир маслашиши.

Антропология – инсон ҳаёт фаолияти тарихий, этноруҳий и ижтимоий-иқтисодий шароитларининг ўзига хос томонларини акс эттирувчи фикрлаш фаолияти тарихи.

Билимлар тизими – илмий, илмий-тарихий, методологик, фалсафий, мантикий, предметлараро боғлиқлиги ва шу кабилар.

Бурч – муайян маънавий мажбуриятларга амал қилиш зарурлигини идроклаш.

Бошқарув – ишга қобил ижтимоий тузилмани тузиш учун зарур шароитларини танлаш ва самарадорлаштириш бўйича олиб бориладиган ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ундан фойдаланиладиган фаолият.

Виждон – шахснинг маънавий ўз-ўзини назорат этишга ва ўз-ўзини баҳолашга бўлган эҳтиёжи, кишилар олдига ўз хулқ-атвори учун масъуллиги.

Дунёқараш – қарашлар, эътиқод ва рамзлар тизими шахснинг онги ва хулқ-атворини акс эттирувчи образ.

Дидактик қобилиятлар – бу жамоани бошқаришда, турли вазиятларда қўзланган мақсаднинг мазмун ва моҳиятини, унга эришиш йўллари ва мазкур йўналишдаги вазифаларни барча ижрочиларга аниқ ва равшан, тушунарли қилиб етказа олиш.

Жамоа – ривожланган шахслараро муносабатлар, уюшганлик ва умумий мақсадларга эришишга интилишлик билан тавсифланувчи барқарор ижтимоий гуруҳ.

Жўшқинлик (темперамент) – инсоннинг динамик ўзига хосликларининг тавсифи, тезкорлик, шиддатлик, суръат, унинг руҳий жараёнлари ва ҳолатининг мароми.

Инсон

ижтимоий муҳит даривожланишнинг нодирим қониятларига эга биологик мавжудот.

Инверсион технология – ахборотларни турли томонидан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятига эга бўлиб, мустақил фикрлаш тизимини шакллантиради.

Интеграллашган технология – ахборотларни ташкил қилувчи чексиз, майда бўлақлардан ташкил топган қисмларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, яхлитлиги, бир бутунлиги асосида тўғри хулоса чиқаришга имконият беради.

Инсоншунослик – шахснихартомонламаривожлантиришга йўналтирилган, унинг ҳаёт фаолияти шароитларини самарадорлаштиришга қаратилган назарий-амалий, антропологик, табиий, гуманитар ва бадиий билимлар тизими.

Индивидуаллик – инсоннинг биоижтимоий ўзига хослиги, унинг тақдорланмаслиги.

Инсонпарварлик – ўқувчи, ўқитувчи, ота-оналарга дўстона муносабатда бўлиш. Улар ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш.

Инклюзив технология – ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга хизмат қиладиган технология.

Карьера – касбийўсиш, хизматбўйичаюқорилаш, ижтимоийтанолиниш.

Камолотга интилишнинг йўқлиги – ўз устида ишлашдан бош тортган раҳбар қалтис вазиятдан ўзини олиб қочади, ўз имконият ва қобилиятини ривожлантириш устида ишламайди, таваккалга бормайди ва эски, одат тусига кирган хатти-ҳаракатлари доирасидан чиқолмайди.

Коммуникатив маҳорат– инсонларни тўғри тушуниш, улар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш, мулоқот қобилияти билан боғлиқ бўлган кўникмалардан ташкил топади.

Коммуникатив қобилият – ходимлар билан мулоқатда бўлиш, бўйсунувчиларга ёндашиши учун тўғри йўл топа билиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактиканинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

Компетентлилик – билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни фаолиятига сингдириб бориш.

Конструктивлик – кучларни мувофиқлаштириш

Концепция – қарашлартизими, жараёнлар у ёкибуҳодисанитушунтириш.

Кооптация – раҳбарнинг фикрига кўра янгиликларни қабул қила олмайдиган ёки уларга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахс ёки шахслар ғурурига у ёки бу тадбирлар ва янгиликлар юзасидан қарор чиқаришда етакчи роль беришни назарда тутди.

Когнитив технологиялар – ўқувчиларнинг атроф-муҳит тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтиришга қаратилган технологиялардир. Булар табақалаштирилган тафаккурни шакллантиради, билиш эҳтиёжларини ривожлантиради.

Креатив технологиялар – тадқиқотчилик характери, хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларда мақсадга йўналтирилган ижодий тафаккурни жадал ривожлантиради.

Методика – бирор ишни мақсадга мувофиқ ҳолда амалга ошириш методлари, йўллари мажмуасидир.

Менежер – мутахассисташкилоти, ишбилармон, ижтимоийақлийраҳбар.

Менежмент– ишлабчиқаришнибошқариш.

Мулоқотэтикаси – кишиларгаташқиҳурматлимуносабатқоидавайўриқлари, унгахайрихоҳликнингнамоёнбўлиши.

Мониторингдаанъанавий методлар – кузатиш, эксперимент, тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш, сўровнома ўтказиш, ички назорат, натижаларни чизма жадвал асосида таҳлил этиш, жадвал ва тарихий таҳлил.

Мониторингданоанъанавий методлар – ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида аниқлаш, диагностика қилиш (ташхислаш) таълим жараёни иштирокчиларининг фаолиятини рейтинг баҳоси бўйича аниқлаш.

Мониторинг объекти – таълим тизимига тегишли бўлган қарорлар-нинг бажарилиши, таълим муассасаси иш режасининг бажарилиши, ўқув жараёни,

тарбия жараёни, услубий ишлар, инновацион жараён, ўқув-тарбия жараёнини таъминланганлиги, таълим муассасасидаги психологик ҳолат.

Мониторинг натижаларини расмийлаштириш – услубий қўлланма, тавсиянома ва дарс ишланмаси, ўқитувчиларнинг ижодий ҳисоботлари, билим, кўникма ва малакаларнинг чизма кўринишидаги (диаграммалар) таҳлили, қатнашчилар якуний рейтинги, сўровнома, ёзма таҳлил, ютуқлар ва камчиликлар натижаси ҳамда муаммолар.

Ортобиотика – соғлиқнинг ўз-ўзиса қилиниши ҳақидаги фан ва кишилар барқарор ҳаётини умидворлигининг қайта тикланиши.

Педагогика – тарбиячи (мураббий), ўқитувчи (мураббий), дарс берувчи (мураббий).

Педагогика предмети – таълим ва тарбия билан боғлиқ турли шакл ва турларда юз берадиган ҳодисалар, омиллар ҳисобланади.

Педагогик маҳорат - таълим жараёни хусусиятларини билиш, уни ташкил этиш ва ҳаракатга келтира олиш кўникмаси ҳисобланади.

Педагогик диагностиканинг ҳаққонийлик тамойили - хусусиятларни ўрганиб, ички ва ташқи алоқаларни таҳлил қила туриб, педагог мавжуд далилларни тушунтиришга, педагогик ҳулосалар чиқаришга, маълумотларга ўз муносабатини шакллантиришга ҳаракат қилади.

Перцептив қобилият – жамоа аъзоларининг, педагогик ходимларнинг, шунингдек, ўқувчиларнинг ички дунёсига қара билиш, психологик кузатувчанлик, бўйсунувчиларнинг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

Покдомонлик - одамларга, ишга барқарор ҳалол муносабат, ғайри ахлоқий ҳуқуқ-атворни инкор этиш.

Прагматизм – ишнинг пировард натижасини кўра билиш ва унга эришиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, барча ички ва ташқи имкониятларни ишга сола билиш;

Психология – руҳият ҳақидаги фан.

Раҳбар маданияти – раҳбар одоби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш. Бу боғланиш одоби, иймон, инсоф, адолат ва иқтидор каби фазилатлар мажмуидан иборат бўлади. Раҳбарнинг касбий маданияти деганда раҳбарнинг касбини билимдонлиги, унинг касбий бошқарув фаолиятини бажаришга тайёргарлик даражаси тушунилади.

Раҳбар қобилияти – раҳбарда интеллектуал, касбий малака ва кўникма, чидамлилик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, ўз фикрини яхши баён эта олиши-нотиклик, ишонтира олиш, назорат, кузатувчанлик, талабчанлик, хотирада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш, бошқарувчилик ва лидерлик хусусиятларининг шаклланганлиги.

Раҳбарнинг педагогик қобилияти – бу бошқарув жараёнида раҳбарнинг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва фаолият билан муваффақиятли

шуғуллана олишини, шунингдек, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқара олишини белгилайди.

Рухият (психика) – инсон моҳиятини фаол акс эттиришдан иборат юқори даражадаги материянинг тизимли хоссаси.

Референтлик – шахслараро муносабатлар ўзаро хос хусусияти, субъектнинг гуруҳ бошқа аъзоларига боғлиқлигини ифода этади, унинг барқарор маънавий кадрияти, анъанаси, етакчилиги.

Резариус – заҳира.

Ривожлантирувчи инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) – турли ўқув фанларга оид билимларни умумлаштириш, таълимнинг мослашувчан шакли, метод ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги.

Ривожлантирувчи яратувчанлик – турли таълим муассасалари педагоглариининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари.

Стил– йўсин, йўриқ, усул, рағбат, шахсга унинг моҳиятларини шакллантиришга кўмаклашувчи ташқи руҳий таъсир.

Стратегиккўрабилиш – ташкилот ривожланиш йўналиши келажагини кўра билиш.

Стратегия – ташкилот мақсадига эришиш учун интилувчи раҳбарнинг ҳаракат тарзи.

Стратегик фикрлаш – раҳбарнинг таълим мазмунини такомиллаштиришдаги тенденция, мавжуд ва кутилаётган (ички ва ташқи) самаралар, шунингдек, рақобатчилар билан солиштирганда муассасанинг кучли ва ожиз томонларини таҳлил қила олиш қобилияти.

Таҳлилий маҳорат – таълим жараёнини чуқур ва пухта тушуниш, тизимнинг энг оддий ва мураккаб элементларини билиш, яхлитликни қисмларга ажратиш, аксинча, қисмларни яхлитлаш, ўз фаолиятини тафтиш ва таҳлил қила билишдан иборатдир.

Таълимни демократлаштириш – таълимнинг ҳамма учун очиклиги, унинг турини ва шаклини, ўқитиш характерини танлаш эркинлигини таъминлаш, лекин, авторитарлик ва буйруқбозлик бошқариш моделидан воз кечиш;

Таълимни фундаментлаштириш– материални бир мунча қатъий саралаш, тизим мазмунини таҳлил қилиш ва унинг асосий компонентларини ажратиб олиш ҳисобига умумий ва мажбурий предметлар ҳажмини қисқартирган (интеграциялашган) ҳолда фундаментал тайёргарликни чуқурлаштириш;

Таълимни ўқувчилар ва ўқув меҳнатини индивидуаллаштириш – факультатив, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан индивидуал ишлаш ҳамда электив курслар сонини кўпайтириш (яъни мактаб компонентидаги соатларни кўпайтириш ҳисобига), индивидуал режа ва дастурларни ёйиш, ўқитиш шакли ва методларини танлашда ўқувчиларнинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олишга эришиш

Технологик маҳорат – конструктив ва ташкилотчилик қобилиятлари билан боғлиқ бўлиб, аниқ иш фаолиятини уддалаш, яъни ахборот олиш, уни етказиш, ишни ташкил этиш ва режалаштириш жараёнини ўз ичига олади.

Технологик жараён – ишлаб чиқилган назарий йўналишдаги педагогик ғояларни амалга ошириш йўл-йўриқларини жамоа билан белгилаб чиқиш

Шахс – ижтимоиймоҳиятсифатигаэгабўлган киши ваўзлигинианглашуқуви.

Эвристик технология – ўқувчига йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилиш орқали таълим бериш тизими. Уларда топқирлик ва фаолликни ривожлантиришга хизмат қилувчи, изланувчанликка асосланган таълим методлари йиғиндиси бўлиб, ўқувчи тафаккурини ривожлантиради.

Эмоция – руҳий кечинма, қалб ҳаяжони (ғазаб, кўркүв, қувончваҳ.к.); инсонда ички ва ташқи қўзғатувчиларнинг таъсири натижасида уйғонади.

Этика – ахлоқ ҳақидаги фан.

Ўз-ўзини тарбиялаш – шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва маънавий сифатларини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадли фаолияти.

Ўқитиш методлари – оғзаки, кўргазмали, амалий, репродуктив, муммоли-изланиш, индуктив, дедуктив, мустақил ишлаш, интерфаол тренингли, масофали ва шу кабилар.

Фаолият усуллари – лойиҳалар, ишлаб чиқариш, ўқув материалларини оммалаштириш ва бир тизимга келтириш, сўровнома тузиш, ўтказиш ва маърузалар матнини тайёрлаш, ҳисоб-китоб қилиш, чизма, жадвал ва плакатлар тайёрлаш, турли хил жиҳозлар ва асбоблар билан ишлаш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2014 й.
2. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, 464-І-сон.
3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 август. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, 464-І-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 14 январь 2017 йил мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузалари
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016.-56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
7. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси”. 07.12.2017 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “ Умумий ўрта таълимнинг ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарлани тасдиқлаш
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сон фармони
11. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаЎзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сон қарори

12. “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон қарори
13. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.
14. “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3183-сон қарори
15. “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017 йил 27 июль
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор 2017 йил 20 апрель
17. “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон қарори
18. “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги ПҚ-3274-сон қарори
19. “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва “Астрономия ва аэроавиация” боғини ташкил этиш тўғрисида”
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги ПҚ-3275-сон қарори
21. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, №ПФ-5106, 5 июль 2017 йил
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931 сонли Қарори
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 августдаги 666-сон қарори
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги “Ўқув асбоб-ускуналари ва анжомларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 345-сон қарори
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги “Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминланган ҳолда 11 йиллик таълим тизимини тубдан ислох қилиш чоралари тўғрисида”ги 94-сонли баёни
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон қарори,
28. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарори билан ўрнатган кўрсатган ўқитувчиларга устамаларни белгилаш тартиби
29. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси»
30. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё. “Менежмент”.- Дарслик. 2001 йил.
31. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С. Таълим менежменти.-Т, 2006 йил.
32. Ахлиддинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати.-Т: “Фан”, 2006 йил.
33. Юлдашев М.А., “Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш” докторлик диссертацияси автореферати. 2017 й.
34. Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш технологияси. Тошкент 2017 й., 596 бет.
35. Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси. Тошкент 2018 й., 526 бет.
36. К.Тожибоев. Менежмент асослари. Амалий машғулотлар.- Наманган 2006
37. Икромов М.А., Қўчқоров А.Х. “Стратегик менежмент” Ўқув қўлланма.-Тошкент 2005
38. Муракаев И.У., Саифназаров И.С. Менежмент асослари. Ўқув , қўлланма. Т., 1998 й.
39. Менежмент ва бизнес асослари. Т., «Меҳнат», 1997 й.
40. Қўчқоров А. ва бошқалар Менежер имкониятлари. Тошкент, 2001 й.

41. . Гулямов С.С, Семенов Б.Д. Основа современного менеджмента. Т., ГФНТИ, 1997 й.
42. Глухов В.В. “Основы менеджмента” Учебно-справочное пособие. «Специальная литература», Санкт-Петербург, 1995.
43. Бахмутский А.Е. Мониторинг школьного образования. М.: Изд-во МИОО, 2004.
44. Беркалиев Т.И., Заир-Бек Е.С., Тряпицына А.П. Инновации и качество школьного образования: Научно-методическое пособие для педагогов инновационных школ. СПб.: КАРО, 2007.
45. Гуманитарные технологии и компетентностная модель современного педагога: Методические материалы для проведения тренингов руководителей образовательных учреждений / И.С. Батракова, Е.В.Люликова, А.В. Тряпицын, Т.В. Щербова; Под. Ред.И.С. Батраковой. СПб.: Изд-во им. А.И.Герцена, 2007.
46. Иванов С.А., Писарева С.А., Пискунова Е.В. Мониторинг, статистика, социология в деятельности образовательного учреждения: Учебное пособие. М.: НФПК, 2005.
47. Иванов С.А., Писарева С.А., Пискунова Е.В. Мониторинг, статистика, социология в деятельности образовательного учреждения: Рабочая тетрадь. М.: НФПК, 2005.
48. Иванов С.А., Писарева С.А., Пискунова Е.В. Разработка школьной программы мониторинга качества образования: учебно-методическое пособие для администраторов школ. СПб., 2005.
49. Иванов С.А., Писарева С.А., Пискунова Е.В. Мониторинг образования: учебно-методическое пособие для администраторов школ. М., 2007.
50. Кондракова И.Э. Федорова Н.М. Гуманитарные ориентиры образовательной политики и государственно-общественного управления в сфере школьного образования: Научно-методические материалы. СПб.: ООО «Книжный дом», 2008.
51. Технологии социального мониторинга: Учебно-методический комплекс / Бахмутский А.Е., Заир-Бек Е.С., Кашина О.Н., Тимченко В.В., Трапицын С.Ю. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2007.
52. Технологии управления в социальной сфере: Учебно-методический комплекс / Л.А. Громова, А.П. Панилова, А.В. Кондрашин, Н.Л. Леонтьева, А.В. Рубашов, И.С. Петрова; Под ред. Л.А.Громовой. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2007.
53. Технологии управления репутацией: Учебно-методический комплекс. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007.
54. Ўқитувчилар учун карьерага оид маслахатлар бериш, <http://www.cct-austria.at>.

55. Ватерлоо Университетининг Дарс Бериш Санъати Маркази, Онтарио, Канада, <https://uwaterloo.ca/centre-for-teaching-excellence>.
56. Европа Коммиссияси (2007): Ҳаёт давомида ўқиш учун асосий малакалар – Европа Стандартлари.
57. Европа Коммиссияси (2016): Янги фаолият бошлаган ўқитувчилар учун дастур ишлаб чиқиш: Сиёсий қарорлар қабул қилувчилар учун қўлланма.
58. Детский Фонд (2011): Преподаватели: Региональное Исследование по Набору, Развитию и Окладам Учителей в Регионе CEECIS.
59. Wikipedia.www.wikipedia.org.
60. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3081820)
61. www.oecd.org/edu/schoolleadership
62. www.oecd.org